




YEVROPA ITTIFOQI



ДХА / ДХМ ВА ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЭҲТИЁЖЛАР ТАҲЛИЛИ НАТИЖАЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ 5 ТА ПИЛОТ ВИЛОЯТЛАРДА ДХМ ОРҚАЛИ КЎРСАТИЛАДИГАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТЎҒРИСИДА

ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ



ТОШКЕНТ | 2021



YEVROPA ITTIFOQI



ДҲА / ДҲМ ва тегишли давлат
органлари масъул ходимларининг
салоҳиятини ошириш бўйича эҳтиёжлар
таҳлили натижалари ва Ўзбекистоннинг
5 та пилот вилоятларда ДҲМ орқали
кўрсатиладиган давлат хизматлари
сифатини баҳолаш тўғрисида
таҳлилий ҳисобот

ТОШКЕНТ | 2021

Лойиҳа раҳбари: Аброр Ходжаев

Тадқиқот координаторлари: Бахтиёр Сайфитдинов ва Фарход Шерзатов

Консалтинг компанияси: ERGO ANALYTICS

Дизайн ва вёрстка: Римма Мухтарова

Боғланиш учун:

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
100029, Ўзбекистон, Тошкент, Т. Шевченко кўчаси

policybrief@undp.org

www.uz.undp.org

Тел. (+998 78) 120 34 50

(+998 78) 120 61 67

Факс: (+998 78) 120 34 85

Таҳлилий ҳисобот Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги ва БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистондаги қишлоқ жойларда давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Маърузада баён қилинган фикрлар ва хulosалар фақат муаллифларнинг нуқтаи назарини акс эттиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, БМТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, шунингдек, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегациясининг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

МУНДАРИЖА

ГЛОССАРИЙ	5
КИРИШ	6
1 МАҚСАДЛИ ТАШКИЛОТЛарНИНГ АСОСИЙ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИНИ БАҲОЛАШ	8
1.1. Мақсадли ташкилотларнинг марказий аппаратлари	8
1.1.1. ДХА марказий аппарати	8
1.1.2. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг марказий аппарати	9
1.1.2. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг марказий аппарати	10
1.2. Тажриба ҳудудларидағи ДХМга раҳбарлари, Инспекция ва Қўмита вакиллари	11
1.2.1. Тажриба ҳудудларда ДХМ директорларининг малакаларини умумий баҳолаш	11
1.2.2. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳудудий бошқармалари ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш	12
1.2.3. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлимлари ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш	13
1.3. ДХА ҳудудий бошқармалари вакиллари ва тажриба ҳудудлари ДХМ операторлари	14
1.3.1. Тошкент вилояти	14
1.3.2. Сирдарё вилояти	16
1.3.3. Жиззах вилояти	18
1.3.4. Сурхондарё вилояти	20
1.3.5. Қашқадарё вилояти	22
1.4. Мақсадли ташкилотлар асосий ходимларининг малакалари матрицаси	24
1.5. Мақсадли ташкилотлар ходимларининг такомиллаштириш талаб қилинаётган малакалари	26
1.6.1. ДХА марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари	26
1.6.2. Тажриба ҳудудлари ДХМ	26
1.6.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг марказий аппарати	26
1.6.4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофazaga қилиш давлат қўmитасининг марказий аппарати	27
1.6. ДХА / ДХМ ва масъул ташкилотларнинг сўраб чиқилган ходимлари салоҳиятини ошириш учун тренинглар мавзулари	27
1.7. Мақсадли ташкилотлар ходимларини ўқитиш режаси	37
1.8. Ўтказилган суҳбат асосида ДХА/ДХМ ва масъул ташкилотлар учун HR-стратегия	38
Бўлим бўйича хуносалар	40
2 ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ	43
2.1. ДХМ орқали давлат хизматлари кўрсатишга масъул бўлган ташкилотларни сўраб чиқиш натижалари	43
2.1.7. "Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ банки" (Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани)	55
2.2 Ўзбекистонда давлат хизматларини кўрсатиш тизимини баҳолаш ва уларнинг сифатини ошириш бўйича таклифлар	56
2.2.2. Сирдарё вилояти	58
2.2.3. Сурхондарё вилояти	62

2.2.4. Қашқадарё вилояти	67
2.2.5. Жиззах вилояти	72
2.2.6. Тошкент вилояти	77
Тажриба ўтказилган 5 та худуд бўйича фойдаланувчиларнинг жамланма ҳисоботи	83
2019 ва 2020 йилларда давлат хизматлари фойдаланувчилари ўртасида ўтказилган сўров натижаларининг қиёсий таҳлили	87
Хуносалар ва тавсиялар	89
3 ИЛОВА	93
№1 ДХА марказий аппарати бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари малакалари шарҳи	93
№2 ЎзР ВМ ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппарати бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари малакалари шарҳи	94
№3 Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари малакалари шарҳи	95
№4 Сирдарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари малакалари шарҳи	96
№5 Сирдарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари малакалари шарҳи	97
№6 Жиззах вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари малакалари шарҳи	98
№7 Сурхондарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари малакалари шарҳи	99
№8 Қашқадарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари малакалари шарҳи	100
№9 Тажриба ҳудудлари ДХМ директорлари малакалари шарҳи	101
№10 Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри ДХМ операторлари малакалари шарҳи	102
№11 Сирдарё вилояти Ховос тумани ДХМ операторлари малакалари шарҳи	103
№12 Жиззах вилояти Бахмал тумани ДХМ операторлари малакалари шарҳи	104
№13 Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ДХМ операторлари малакалари шарҳи	105
№14 Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ДХМ операторлари малакалари шарҳи	106
№15 ЎзР Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси минтақавий бўлимлари ходимлари малакалари шарҳи	107
№16 ЎзР ВМ ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий бошқармалари ходимлари малакалари шарҳи	108
№17 Методология	109
№18 Бэк-офислар ходимлари сўрови (русча версия)	111
№19 Бэк-офислар ходимлари сўрови (ўзбекча версия)	114
№20 Суҳбат учун сўровнома (русча версия)	117
№21. Суҳбат учун сўровнома (ўзбекча версия)	120
№22 Давлат хизматларидан фойдаланувчилар сўрови (русча версия)	122
№23 Давлат хизматларидан фойдаланувчилар сўрови (ўзбекча версия)	128

ГЛОССАРИЙ

Қуида матнда фойдаланилган аббревиатуралар ва қисқартмалар рўйхати келтирилган:

- ДХА МА** – Давлат хизматлари агентлиги марказий аппарати
- ДХМ** – Давлат хизматлари маркази
- БЭК-офис** – муайян давлат хизматини кўрсатиш учун масъул ташкилот
- МТБ** – вилоят / туман мактабгача таълим бошқармаси
- МТМ** – мактабгача таълим муассасаси
- АКТ** – Ахборот-коммуникация технологиялари якка тартибдаги уй-жой қурилиши (ЯТУҚ)
- ЯИДХП** – Ягона интерактив давлат хизматлари портали
- БХМ** – базавий ҳисоблаш миқдори
- АЖ** – акциядорлик жамияти
- СТИР** – солиқ тўловчининг идентификация рақами
- ЭРИ** – электрон рақамли имзо
- ИИБ** – Ички ишлар бошқармаси
- МПа** – мегапаскаль (босим ўлчов бирлиги)
- ФХДЁ** – фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи

КИРИШ

Евropa Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги ва БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистондаги қишлоқ жойларда давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш ва бошқарув даржасини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасидаги ушбу тадқиқотнинг мақсади – давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш ва Давлат хизматлари агентлиги, синов олиб борилаётган ҳудудлар – Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани, Жиззах вилоятининг Бахмал тумани ва Сирдарё вилоятининг Ховос туманинаги ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари (ДХМ), шунингдек, танлаб олинган 2 та ташкилот – Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимларининг салоҳиятини ўрганиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишидир. Тадқиқот доирасида ўрганилган масъул ташкилотлар рўйхатига қўйидагилар киради: Мактабгача таълим бошқармаси, Қурилиш бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Психоневрологик диспансери, Наркология диспансери (Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри); Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, "Ўзсувтаминон" АЖ, Давлат солиқ инспекцияси (Сирдарё вилояти, Ховос тумани); Ички ишлар бошқармаси Ахборот маркази, "Минтақавий электр тармоқлар" АЖ (Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани); "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, Ҳудудлар транспорт бошқармаси, ФХДЁ филиали, (Жиззах вилояти Бахмал тумани); Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий филиаллари, "Ўзбекистон Республикаси Халқ банки", Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани).

Тадқиқот доирасида қўйидаги вазифалар бажарилди:

- Мақсадли ташкилотларнинг асосий ходимларини баҳолаш учун малакаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш. Таҳлил мутасадди идораларнинг тегишли бўлинмалари ходимлари билан чуқур суҳбатлар ўтказиш натижалари асосида амалга оширилди;
- Салоҳиятни ошириш учун аниқланган мавзулар бўйича ходимларни ўқитиш режасини тайёрлаш(тренинглар турлари ва мавзулари, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, ўқитиш йўналишлари);
- Тажриба ўтказиладиган ҳудудлардаги марказий, минтақавий бошқармалар ва давлат муассасаларининг туман бўлинмалари ходимлари, маҳаллий аҳоли, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида камида 1000 респондент, шунингдек аёлларнинг камида 30 фоизи ва аҳолининг заиф гурӯхларининг 10 фоизи (пенсионерлар, ёшлар, имконияти чекланган одамлар) иштирокида суҳбатлар, кузатувлар ташкил этиш ва ўтказиш орқали давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ва улардан фойдаланувчиларнинг қаноатланганлигини баҳолаш (дизайн-тафаккурдан фойдаланган ҳолда ва ноқулай санитария-эпидемиологик вазиятда – масофадан туриб);

- Тахлил ўтказиш ва талаб энг катта 10 та давлат хизмати ва дастлабки ҳудудларда аҳоли ва бизнес субъектлардан энг кўп шикоят тушган 10 та хизматни тақдим этиш;
- Мижозлар ўртасида сўров ва ДХМ ҳамда тегишли ташкилотлар ходимлари билан сұхбат асосида ДХМ ва бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотлар самарадорлигини баҳолаш;
- Камида 10 та давлат хизмати кўрсатиш сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

1 | МАҚСАДЛИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

1-бобда ходимларнинг ўрганилаётган малакаларини умумий баҳолаш ва уларнинг ҳар бирини баҳолаш келтирилган. Бунда малакаларни умумий баҳолаш қўйидаги шкалага асосланади:

- "ажойиб";
- "жуда яхши";
- "яхши";
- "қониқарли";
- "зайф";
- "ёмон".

Суҳбат ўтказиш методологияси ва фойдаланилган саволлар рўйхати 17, 20 ва 21-иловарларда келтирилган.

1.1. МАҚСАДЛИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ АППАРАТЛАРИ

1.1.1. ДХА МАРКАЗИЙ АППАРАТИ

Малакаларни ўрганиш жараёнида Давлат хизматлари агентлиги (ДХА) марказий аппарати ходимлари билан суҳбатлар ўтказилди, уларда 10 та бўлим ва бошқарма раҳбарлари ҳамда уларнинг 10 нафар ҳамкасби қатнашди. Суҳбат натижаларига кўра респондентларнинг 14 та асосий малакаси баҳоланди. Олинган маълумотларга кўра (1.1-жадвал) суҳбат қатнашчиларининг режалаштириш кўникмалари ва ташкилот ичида ҳамкаслари билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, тафсилотларга эътиборлилик ва тартиб-таомилларга риоя қилиш нисбатан яхши ривожланган. Бироқ суҳбат самарали мулоқот кўникмалари ва стрес-ста чидамлилик нисбатан паст ривожланганлигини қўрсатди. Бундан ташқари, ташаббу-

1.1-график: ДХА марказий аппарати бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари малакалари шарҳи



скорлик, мослашувчанлик даражаси, шунингдек, жамоада ишлаш қўникмалари ва жамоани бошқариш қобилияти ҳам ривожлантирилиши керак.

Олинган натижалар респондентларнинг фикрича, ўз вазифаларини янада самарали баъжариш учун ривожлантириши керак бўлган қўникмаларга мос келади. Масалан, респондентлар вақтни бошқариш қобилиятини, мулоқот қобилиятларини, нотиқлик маҳоратини ва ишда мослашувчанликни кўрсатдилар. Шунингдек, респондентлар ДХА иш сифатини ошириш учун ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш амалиётини жорий этиш кераклигини таъкидладилар. Шунингдек, сұхбатда қатнашганларнинг фикрича, ДХА ва идоравий ташкilotlar ўртасидаги ҳамкорлик даражаси яхшиланиши лозим. Бундан ташқари, респондентлар электрон ҳукумат воситалари жорий этилганига ва давлат хизматлари раҳмлаштирилганига қарамай, умуман олганда, қоғоз шаклидаги ҳужжатларнинг анъанавий айланмаси ҳали ҳам юқори даражада сақланиб қолаётганини таъкидладилар. Бундан ташқари, респондентлар психологияк саводхонлик бўйича тренинглар ўtkазиш зарурлигини қайд этдилар.

ДХА Марказий аппарати ходимларининг малакасини умумий баҳолаш: Қониқарли (3,3 балл)

Респондентлар ва ҳамкаслар билан сұхбатларнинг тоифаланган натижалари 1-иловада келтирилган

1.1.2. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИННИНГ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппарати ходимлари билан сұхбатлар ўтказишида бешта бўлим ва бошқарма раҳбарлари ўз ҳамкаслари билан бирга қатнашди. Олинган натижаларни таҳлил қилишда (1.2-жадвал) ДХА марказий аппарати маълумотларига ўхшаш тарзда ташкilot ходимлари тафсилотларга эътибор бериш ва белгиланган тартибларга риоя қилиш қўникмалари, шунингдек ташкilot ичida ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш қўникмалари яхши ривожланганини намоён этди. Бироқ натижалар инспекция ходимларида самарали мулоқот қилиш қўникмалари ва стрессга чидамлилик қобилиятлари

1.2-график: ЎзР ВМ ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппарати бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари малакалари шарҳи



етишмаслигини ҳам кўрсатди. Шунингдек, респондентларнинг мижозларга эътибори паст даражада эканлиги ҳам қайд этилди.

Ташкилотга содиклик, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмалари, иш муҳитини тушуниш, жамоани бошқариш ва жамоада ишлаш қобилиятлари, ходимларни ўқитиши ва ўзиниривожлантириш, шунингдекетакчилик фазилатлари ва мотивация қобилияти каби малакаларнинг ривожланиш даражаси ўртача даражада. **Респондентларнинг фикрича, ўз вазифаларини янада самарали бажариш учун улар стрессга чидамлилик даражаси ва мулоқот қобилиятларини ошириши керак. Шунингдек, суҳбат иштирокчилари нотиқлик маҳорати етишмаслигини ва сусткашлик мавжудлигини таъкидладилар.** Давлат хизматлари марказлари ходимлари билан ҳамкорлик даражасини баҳолашда инспекция бўлинмалари раҳбарлари маълумотлар тайёрлашда ва инспекцияга беришда марказлар ходимлари эътиборсизлигини қайд этди, бунинг натижасида таълим соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатиш учун жавоб берадиган инспекция вакиллари хужжатларни такомилига етказиш учун қайтариб юборади, хизматлардан фойдаланувчилар эса такро-ран мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бу, ўз навбатида, ташкилот обрўсига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, респондентлар хизматлар кўрсатиш бўйича белгиланган муддатларнинг ҳақиқий эмаслигини таъкидладилар. Инспекция ходимлари ДХМ ва масъул ташкилот сифатида инспекция ўртасидаги ҳамкорлик даражасини юқори баҳоламадилар. Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш зарурлиги қайд этилди.

Инспекция марказий аппарати ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Қониқарли (3,38 балл).**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 2-иловада келтирилган.

1.1.2. ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИНГ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ

Суҳбатларда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тўртта бўлим ва бўлинмалари раҳбарлари қатнашдилар.

1.3-график: Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари малакалари шарҳи



Натижаларга кўра (1.3-график) респондентлар режалаштириш, ташкилот ичидаги ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш кўникмаларини ривожлантиришда нисбатан яхши даражани, шунингдек, тафсилотларга эътибор бериш ва тартиб-таомилларга риоя қилишда юқори даражани намойиш этдилар. Шу билан бирга, самарали мулокот ва стрессга чидамлилик қобилияtlари энг паст кўрсаткичларга эга. Иш муҳитини тушуниш, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш қобилияtlари, ташаббускорлик, натижага йўналганлик, ташкилотга содиқлик ва мижозларга эътибор паст ва ўртacha бўлиб, уларни ривожлантириш кўрсаткичлари паст. Жамоа билан ишлаш кўникмалари, етакчилик қобилияtlари, ходимларни ўқитиш ва ўз-ўзини ривожлантириш маҳорати ҳам ўртacha кўрсаткичдан паст. Шуниси эътиборга лойиқки, респондентлар томонидан кўрсатилган кўникмалар ва ривожланиш соҳалари олинган натижалар билан унчалик боғлиқ эмас. Жумладан, суҳбат қатнашчиларининг фикрича, улар ҳуқуқий саводхонликни ривожлантиришлари ва ўз фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база тўғрисида билимларини оширишлари керак. Қўмита ходимлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро норматив ҳужжатларининг дастлабки манбаларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлишлари учун тил курсларининг аҳамияти ҳам қайд этилди. Бундан ташқари, респондентлар ўз-ўзини рағбатлантириш ва ходимларни рағбатлантириш қобилияtlарини, шунингдек вақтни самарали бошқариш кўникмаларини ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар. Суҳбат иштирокчилари ДХА ва ДХМ билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишда бирор-бир салбий томонларни қайд этмадилар.

Давлат экология қўмитаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: Қониқарли (3,38 балл)

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 3-иловада келтирилган.

1.2. ТАЖРИБА ҲУДУДЛАРИДАГИ ДХМГА РАҲБАРЛАРИ, ИНСПЕКЦИЯ ВА ҚЎМИТА ВАКИЛЛАРИ

Мақсадли ташкилотларнинг асосий ходимларининг малакаларини баҳолаш учун тажриба туманлари ДХМ бўлимларининг тўрт нафар раҳбари/ўринбосари ва директорлари ва операторларидан иборат таркибда ДХА ҳудудий бошқармалари ходимлари билан суҳбатлар ўтказилди. Суҳбат натижаларига кўра респондентларнинг 14 та асосий малакаси баҳоланди. Бундан ташқари, тажриба туманларида ДХМга ташриф буюрувчилар ўртасида сўров ўтказиш орқали давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланувчиларнинг қониқиши даражаси баҳоланди.

1.2.1. ТАЖРИБА ҲУДУДЛАРДА ДХМ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ МАЛАКАЛАРИНИ УМУМИЙ БАҲОЛАШ

Тажриба туманларида ДХМ директорлари билан ўтказилган суҳбатлар ушбу малакаларнинг аксарияти нисбатан юқори даражада ривожланганлигини кўрсатди. Суҳбат натижаларига кўра (1.4-график) режалаштириш кўникмалари респондентлар орасида энг кўп ривожланган. Суҳбат иштирокчилари, шунингдек, юқори даражадаги етакчилик қобилияtlарини, ходимларни ўргатиш ва ўзини ривожлантириш кўникмаларини, жамоани бошқариш қобилияtlарини ва жамоада ишлаш қобилияtinini, тафсилотларга эътиборли бўлиш, иш муҳитини тушуниш кўникмасини, ташкилотга содиқлигини ва мижозга йўналтирилганликни намойиш этдилар. Бошқа ташкилотлар вакиллари билан суҳбатлар пайтида олинган натижаларга ўхшаш тарзда респондентлар стрессга чидам-

1.4-график: Тажриба ҳудудлари ДХМ директорлари малакалари шархи



лилиги ва самарали мулоқот қилиш кўникмаларининг паст даражасини кўрсатдилар. Ташаббускорлик, янгиликка мослашувчанлик ва очиқлик паст даражада ривожланган.

Ташкилот ичида ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш кўникмалари ва ахборотни таҳлил қилиш ҳамда қарор қабул қилиш қобилиятига нисбатан натижа йўналтирилганлик ва унга бўлган жавобгарлик респондентлар орасида ҳам суст ривожланган. **Суҳбат иштирокчилари вақтни бошқариш кўникмаларини ривожлантириш, мулоқот қилиш қобилиятлари, ҳамкаслар билан ўзаро муносабатда мослашувчанлик ва психологияк саводхонлик даражасини ошириш зарурлигини таъкидладилар.** Бундан ташқари, респондентлар норматив-ҳуқуқий база ва АҚТ соҳасидаги билимларини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, **суҳбат иштирокчиларининг фикрича, респондентларнинг ўз вазифаларини янада самарали бажаришлари учун мавжуд моддий-техника базаси ва инфратузилма ҳолати яхшиланиши лозим.**

ДХМ директорлари малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,08 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 9-иловада келтирилган.

1.2.2. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИННИНГ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАЛАРИНИ УМУМИЙ БАҲОЛАШ

Марказий аппаратдаги ҳамкасларидан фарқли ўлароқ, ҳудудий инспекция бўйимлари ходимлари режалаштириш ва тафсилотларга эътибор бериш бўйича юқори даражадаги кўникмалари билан бирга ташкилотга содиқлик, иш муҳитини тушуниш ва етакчилик хусусиятлари ривожланганлигини намойиш этдилар (1.5-расм). Бироқ ушбу идораларнинг вакиллари орасида самарали мулоқот қилиш ва стрессга чидамлилик кўникмалари унчалик яхши ривожланмаган. Ташаббускорлик, мослашувчанлик ва тартиб-таомилларга риоя қилиш кўрсаткичлари ҳам паст даражада. Шуниси эътиборга лойиқки, ходимларни ўқитиш ва ўзини ривожлантириш, жамоани бошқариш ва жамоада ишлаш, шунингдек мижозларга эътибор бериш қобилиятлари юқори кўрсаткичларга яқин. Суҳбат иштирокчиларининг фикрича, улар тафсилотларга эътиборни ривожлантириш зарурлигини ҳис қиласидилар. **Респондентлар АҚТни жорий этиш ва қўллаш соҳасида ҳуқуқий саводхонлик ва кўникмаларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.** Бундан ташқари, ходимлар ўз вазифаларини янада самарали бажа-

1.5-график: ЎзР ВМ ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳудудий бошқармалари ходимлари малакалари шарҳи



риш учун холи макон етишмаслигини таъкидладилар. Иш унумдорлиги ва ходимларнинг ишлаш қобилиятини ошириш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ходимлари малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,07 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 16-иловада келтирилган.

1.2.3. ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАЛАРИНИ УМУМИЙ БАҲОЛАШ

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ходимларини таҳлил қилиш натижалари марказий аппарат ходимлари билан ўтказилган суҳбатлар натижаларидан сезиларли фарқ қиласди (1.6-график). Шуниси эътиборлики, қайд

1.6-график: ЎзР Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлимлари ва бошқармалари ходимлари малакалари шарҳи



этилган малакаларнинг деярли ярми респондентлар орасида паст даражада ривожланган. Иштирокчилар самарали мулоқот қилиш қобилияларини ривожлантириш борасида энг ёмон натижаларни кўрсатдилар. Жамоа ичидаги ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш кўникумлари, стрессга чидамлилик, иш муҳитини тушуниш, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш қобилияти, шунингдек ташаббускорлик, янгиликка мослашувчанлик ва очиқлик кўрсаткичлари ҳам паст. Ривожланишнинг юқори даражаси фақат респондентларнинг ташкилотга содиқлигига қайд этилди. Жамоа билан ишлаш қобилиялари билан бир қаторда етакчилик фалилатлари ва қизиқтириш қобилияти нисбатан ўртача даражада бўлиб, у паст даражадаги ривожланишнинг чегара қийматига яқин. Шу билан бирга, мижозга йўналтирилганлик, тафсилотларга эътибор бериш ва режалаштириш қобилиялари юқори даражадаги ривожланишнинг чегара кўрсаткичларига яқин. Ўтказилган суҳбатлар давомида ушбу ташкилот ходимлари вақтни бошқариш кўникумларини ошириш ва ходимларнинг қасбий малакаларини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Бундан ташқари, респондентларнинг фикрича, ходимларнинг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича ишларнинг тезкорлиги яхшиланиши керак. Шунингдек, хизматлар кўрсатиш бўйича амалдаги регламентларда белгиланган муддатларни ҳам қайта кўриб чиқиши керак. Иштирокчилар алоҳида ДХМ билан ишлаш бўйича алоҳида штат бирлигини тайинлаш зарурлигини таъкидладилар. Қўмита ходимларининг фикрича, экология соҳасидаги аризаларни ушбу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини яхши биладиган опера тор кўриб чиқиши керак. Бундан ташқари, суҳбат иштирокчилари моддий-техник базани ва Интернетга уланиш сифатини яхшилаш зарурлигини таъкидладилар. Респондентлар босма ҳужжатлардан босқичма-босқич бутунлай воз кечиш учун ҳужжат айланишини рақамлаштириш тезлигини, шунингдек, масъул ташкилотлар ва ДХМ билан интеграция даражасини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Қўмитанинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш:
Қониқарли (3,45 балл)

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 15-илова да келтирилган.

1.3. ДХА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ВА ТАЖРИБА ҲУДУДЛАРИ ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ

1.3.1. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

1.3.1.1. ДХА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ

Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳридаги ДХА ҳудудий бошқармасида бўлим бошлиқлари/ўринбосарлари билан тўртта суҳбат ўтказилди. “360 даражатескари алоқа” методологияси доирасида уларнинг ҳамкаслари ҳам сўраб чиқилди. Олинган маълумотларга кўра (1.7-график) суҳбат иштирокчиларида режалаштириш қобилиялари ва ташкилотга содиқлик, ватанпарварлик, етакчилик хислатлари ва қизиқтириш қобилияти, тафсилотларга эътибор бериш ва тартиб-таомилларга риоя қилиш, шунингдек ташкилотдаги ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш кўникумлари нисбатан яхши ривожланган. Ходимларнинг ишларида, аксарият ҳолларда, ходимларни ўқитиш ва ўзини ривожлантириш, жамоада ишлаш ва иш муҳитини тушуниш намоён бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, ташаббускорлик ва мослашувчанлик чегара қийматларига яқин.

Бироқ суҳбатда ҳиссий ҳолатни бошқариш қобилияти билан бирга самарали мулоқот қилиш ва стрессга чидамлилик кўникумлари даражаси нисбатан паст бўлганлиги аниқланди. Бу раҳбарлар ишида катта тўсиқдир, чунки уларнинг фаолияти психологик

1.7-график: Тошкент вилояти ДХА худудий бошқармаси ходимлари малакалари шарҳи



босим шароитида амалга оширилади ва раҳбарнинг қўл остидагилар ва мижозлар билан самарали алоқаси бўлим ва умуман ташкилот фаолиятининг муваффақиятини белгилайди. Мижозга йўналтирилганлик, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш, шунингдек натижаларга йўналтириш ва улар қабул қилган қарорлар учун жавобгарлик каби кўнкимларни ҳам ривожлантириш зарур. Ташкилотда ташаббускорлик ва жавобгарлик маданиятини шакллантириш кўп жиҳатдан раҳбарлар ҳаракатларининг тўғрилигига боғлиқ. Ташаббус ва масъулиятнинг уйғун ва самарали биримаси шахсга ўз мустақиллигини ва юқори даражадаги фаоллигини сақлаш имконини беради. Бундан ташқари, раҳбарлар ходимларнинг ташаббуси ва жавобгарлигининг пасайиши сабабларини ўз вақтида аниқлаши ва жиддий хатоларга йўл қўймай, тўғри ҳаракат тактикасини танлашни ўрганиши муҳимdir.

Аниқланган натижалар ДХА ходимларининг таклифлари билан тасдиқланади, улар мураккаб вазиятларда мулоқот қилиш, нотиқлик, бағрикенглик ва қарор қабул қилиш кўнкимларни ривожлантишлари керак деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, тадқиқот давомида давлат хизматларини кўрсатишнинг янада самарали шаклларини кўриб чиқиш учун хорижий тажрибани ўрганиш етишмаслиги аниқланди. Шунингдек, ходимларнинг янада самарали ишлаши учун АКТ соҳасида малакани ва компьютер саводхонлигини ривожлантириш зарур.

Тошкент вилояти ДХА худудий бошқармаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Қониқарли (3,27 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан сұхбатларнинг тоифаланган натижалари 4-иловада келтирилган.

1.3.1.2. ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ

Тошкент вилоитидаги учта ДХМ операторининг малакаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу ходимларда ташкилотга содиқлик кўрсаткичи ва ватанпарварлик туйғуси юқори даражада, бу эса ходимларнинг орзу-истаклари, дастурлари ҳамда ишда ўзини тутиш хусусиятлари юксак даражада эканлигини ва улар ташкилотни қандай қабул қилишларини ифодалайди (1.8-график). Шунингдек, юқори даражадаги садоқат одатда ташкилот маданиятининг юқори даражаси, унинг нормалари, қадриятлари,

1.8-график: Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри ДХМ операторлари малакалари шарҳи



қоидалари билан боғлиқ бўлиб, улар асосида ходимлар ва ташкилот ўртасида муносабатлар ўрнатилади.

Бундан ташқари, ДХМ ходимларида ушбу тоифадаги ишчилар учун муҳим қўникмалардан бири бўлган режалаштириш, тафсилотларга эътиборли бўлиш ва тартиб-таомилларга риоя қилиш каби қўникмалар керакли даражада ривожланган. Суҳбат давомида ДХМ ходимларида етакчилик хислатлари ва қизиқтириш қобилияти ўз касбий фаолияти билан боғлиқ деярли барча вазиятларда намоён бўлиши аниқланди. Бундан ташқари, суҳбат иштирокчиларининг мижозларга эътиборлилиги зарур даражададир, бу ДХМ операторлари учун ниҳоятда муҳимдир, чунки бу ходимларнинг ўз эҳтиёжларини ва қизиқишларини аниқлаш учун ўз ишларида ички ёки ташқи мижозга эътибор қаратиш қобилиятининг кўрсаткичидир. Ушбу қўникмани ривожлантириш операторларга юқори сифатли хизматлар кўрсатиш ва фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Ходимларда шахслараро ҳамкорлик шаклларидан бири бўлган етакчилик хислатлари ривожланганига қарамай, самарали мулоқот қилиш қўникмалари даражаси паст даражада. Бундан ташқари, стрессга чидамлилик ва ҳиссий ҳолатни бошқариш қобилияти етарли даражада ривожланмаган, чунки ишдаги стрессга чидамлилик одатда низоли ёки ноаниқ вазиятларга хотиржамлик билан жавоб бера олиш қобилиятини, керак бўлса катта босим остида ҳам самарали иш тутиш қобилиятини англаради, бу қўникма операторларнинг муваффақиятли ва самарали ишлаши учун катта аҳамиятга эга.

Тошкент вилояти Нурафшон шаҳридаги ДХМ операторлари малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,14 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 10-иловада келтирилган.

1.3.2. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

1.3.2.1. ХУДУДИЙ ДХА ХОДИМЛАРИ

Сирдарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармасининг тўрт нафар ходимининг малакалари таҳлили респондентлар орасида етакчилик хислатлари, ходимларни ўқитиш ва ўз-ўзини ривожлантириш соҳасида қўникмалар, режалаштириш қобилиятлари, шунингдек, таш-

1.9-график: Сирдарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси операторлари малакалари шарҳи



килотга содиқликнинг юқори даражаси нисбатан юқори даражада ривожланганигини кўрсатди (1.9-график). Натижалар респондентларда тафсилотларга эътиборли бўлиш ва тартиб-таомилларга риоя қилиш бошқа кўнікмаларга қараганда яхшироқ ривожланганигини кўрсатди. Операторлар ишида тафсилотларга эътиборли бўлиш ва вазифаларга диққатни жамлаш қобилияти ҳар доим намоён бўлади.

Бироқ марказий аппарат ва бошқа тажриба ҳудудларидан олинган натижаларга ўхшаш тарзда респондентлар самарали мулоқот қилиш, шунингдек, стрессга чидамлилик кўнікмалари ва эмоционал ҳолатини бошқариш қобилияти паст даражада эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш, ташаббускорлик ва мослашувчанлик кўнікмалари ҳам нисбатан паст даражада ривожланган. Операторлар ўзгаришлар бўлишига қарши турди, консерватив ечимларни афзал кўради, ташаббус кўрсатмайди ва профессионал даражада узоқни кўра олмайди. Суҳбат давомида респондентлар қўйилган вазифаларни ҳал қилиш самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш учун вақтни бошқариш кўнікмаларини ривожлантириш зарурлигини, шунингдек, ходимларда ўз ишларида индивидуализмни ва юқори кўрсаткичларни намойиш этишга интилишни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар. Суҳбат иштирокчилари, шунингдек, **электрон ҳукумат соҳасини ривожлантириш ва давлат хизматларини кўрсатиши соҳасида энг яхши халқаро тажрибани ўрганиш зарурлигини** таъкидладилар.

Сирдарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,15 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 5-иловада келтирилган.

1.3.2.2. ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги ДХМ операторларининг малакалари таҳлили ўрганилган малакаларнинг деярли ярми нисбатан паст даражада ривожланганигини кўрсатди (1.10-график). Жумладан, респондентлар ходимларни ўқитиш ва ўз-үзини ривожлантириш, ташаббускорлик ва мослашувчанлик, шунингдек мижозга

1.10-график: Сирдарё вилояти Ховос тумани ДХМ операторлари малакалари шарҳи



Йўналтирилганлик соҳасидаги қўнікмаларни унчалик яхши ривожланмагани намойиш этдилар. Олинган натижаларга кўра аввалги идоралар ходимларининг таҳлиллари хуносаларига ўхшаш тарзда респондентларда самарали мулоқот қилиш ва стрессга чидамлилик қўнікмалари яхши ривожланмаган, бу аввал таъкидланганидек, респондентлар билан ишлаш хусусиятларини ҳисобга олганда жуда муҳимдир. Паст даражадаги ташаббускорлик, мижозга йўналтирилганлик ва ўз-ўзини ривожлантириш натижаларга йўналтирилганликка ва бунинг учун жавобгарликни қабул қилишга салбий таъсир кўрсатади, бу эса, ўз навбатида, паст даражададир. Нисбатан кўп ҳолларда, респондентлар ўз хатоларини ва улар учун жавобгарликни тан олади.

Бироқ таъкидлаш керакки, респондентлар эътиборлиликни ва тартиб-таомилларга риоя қилишни ривожлантиришда, иш муҳитини тушунишда, шунингдек ташкилотга содиқлиқда яхши натижаларни кўрсатдилар. Бошқа идораларда олинган натижалардан фарқли ўлароқ, респондентларнинг мазкур гурӯҳи орасида факат иккита қўнікма ўртача ривожланиш даражасида. Жумладан, етакчилик хислатлари ва қизиқтириш қобилияти ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш қобилияти билан бир қаторда ўртача кўрсаткичларга эга. Ушбу малакалар аксарият ҳолларда операторларнинг ишларида намоён бўлади. Шуниси эътиборлики, сұхбатлар давомида респондентлар давлат хизматларидан фойдаланувчилар билан ишлашда уларга керак бўладиган психологик саводхонлик қўнікмаларини ошириш зарурлигини кўрсатдилар. Бундан ташқари, сұхбатлар иштирокчилари ходимларни рағбатлантириш ва қизиқтириш тизими мавжуд эмаслигини таъкидладилар, бу уларнинг фикрича, уларнинг иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги ДХМ операторларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,16 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан сұхбатларнинг тоифаланган натижалари 11-иловада келтирилган.

1.3.3. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

1.3.3.1. ҲУДУДИЙ ДХА ХОДИМЛАРИ

Жиззах вилояти ДХА бўлимининг тўрт нафар ходимининг малакаларини таҳлил қилиш натижаларига кўра респондентларда режалаштириш қўнікмалари ва ташкилотга содиқлик яхши ривожланган (1.11-график). Бундан ташқари, етакчилик хислатлари

График 1.11: Обзор компетенций сотрудников Территориального управления АГУ Джизакской области



ва қизиқтириш қобилияти, ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш, тафсилотларга эътиборли бўлиш ва тартиб-таомилларга риоя қилиш кўникмалари нисбатан яхши намоён бўлмоқда. Ушбу натижалар кўрсатишича, аксарият ҳолларда респондентлар қарор қабул қилишда ижобий ва салбий томонларини чамалайди, хатар ва имкониятларни таҳлил қиласди, ходимлар ва ҳамкасларга нисбатан холис муносабатда бўлади ва қўл остидагиларни рағбатлантиради.

Ходимларни ўқитиш ва ўзини ривожлантириш, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмалари нисбатан яхши ривожланган. Бк кўникмалар аксарият ҳолларда ходимларнинг ишларида намоён бўлади. Жамоани бошқариш маҳорати ва жамоада ишлаш, иш муҳитини тушуниш ва натижага йўналганлик ва у учун жавобгарлик кўникмалари қониқарли даражада. Ташибускорлик ва янгиликка очиқлик ҳамда мижозга йўналтирилганлик кўникмалари даражаси қониқарли бўлишига қарамай, унинг аҳамияти салбий чегарага жуда яқин, бу раҳбарлар ишида мазкур малакаларнинг юқори аҳамияти туфайли зарур эътиборни талаб қиласди. Ушбу малакаларнинг етарлича ривожланмаганлиги бозорнинг ўзгарувчанлиги ва мижозлар эҳтиёжларининг ўзгарувчанлиги шароитида янада самарали ишлашга тўскинлик қиласди. Раҳбарларнинг янада муваффақиятли фаолияти ва мартабаси юксалиши учун самарали мулоқот ва стрессга чидамлилик кўникмаларига жиддий эътибор талаб этилади, бу эса тадқиқот кўрсатганидек, энг кам ривожланган. Шундай қилиб, ишончли мулоқот қилиш, ўзини ўзи кўрсатиш, суҳбатнинг боришини бошқара олиш, муросага келиш ва келишиш кўникмаларини ошириш керак. Суҳбат чоғида ДХА ходимлари малака ошириш, ҳуқуқий саводхонлик, психологик машғулотлар ва ўз-ўзини доимий ривожлантириш бўйича тренинглар ўтказиш зарурлигини ҳам таъкидладилар.

Жиззах вилояти ДХА худудий бошқармаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,09 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари б-ило-вада келтирилган.

1.3.3.2. ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ

Бахмал туманидаги ДХМ операторлари малакалари таҳлили режалаштириш, ташкилотга содиқлик ва ватанпарварлик кўникмалари яхши ривожланганлигини кўрсатди

(1.12-график). Операторнинг олдиндан кўра билиши ва фаоллиги қониқиш ва мотивацияни оширишга ёрдам бериши мумкин, бу эса, ўз навбатида, ташкилотга фойда келтиради. Мижозга йўналтирилганлик ва ўқитиш ҳамда ўзини ривожлантириш каби оператор учун муҳим малакалар тез-тез намоён бўлади, натижаларга йўналганлик, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш ва иш муҳитини тушуниш кўникмалари малакаларни қониқарли даражада ушлаб туриш учун аралашувни талаб қиласди. Ташаббускорлик, янгиликка мослашувчанлик ва етакчилик хислатлари қониқарли даражада ҳамда аксарият ҳолларда ходимларнинг ишларида намоён бўлади.

1.12-график: Жиззах вилояти Бахмал тумани ДХМ операторлари малакалари шарҳи



Бошқа тажриба ҳудудлари сингари самарали мuloқot қилиш, стрессга чидамлилик ва ҳиссиётларни бошқариш кўникмалари яхши ривожланмаган. Ушбу масалаларда малака етишмаслиги ДХМ операторларининг иш самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради, чунки одамлар билан ўзаро алоқа ва мулокот уларнинг кундалик вазифаларининг муҳим қисмиdir. Бунга қўшимча равишда респондентлар ўз иш самарадорлигини ошириш учун улар ДХМ моддий-техник таъминотини ошириш кераклигини таъкидладилар. Жумладан, Бахмал вилояти ДХМга мурожаат қилган фойдаланувчиларнинг 6 фоизи операторларнинг қўполлигидан шикоят қилмоқда.

Жиззах вилояти Бахмал тумани ДХА ҳудудий бошқармаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,16 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 12-иловада келтирилган.

1.3.4. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

1.3.4.1. ҲУДУДИЙ ДХА ХОДИМЛАРИ

Сурхондарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари билан ўтказилган суҳбатлар натижалари респондентларда самарали мулокот қилиш, стрессга чидамлилик ва ўз ҳиссиётларини бошқариш, ташаббускорлик, янгиликка мослашувчанлик ва очиқлик соҳасида малакалар унча яхши ривожланмаганинг кўрсатди (1.13-график). Раҳбарлар ишида бу малакалар аксарият ҳолларда камроқ намоён бўлади, самарали мулокот қилиш кўникмалари ҳолатларнинг ярмида намоён бўлади. Кўпгина ҳолларда

1.13-график: Сурхондарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари малакалари шарҳи



раҳбарлар натижага йўналтирилган ва бунинг учун масъулдирлар, мижозларнинг муаммоларига ечим топишга интилади ва ташкилотнинг иш муҳитини тушунади. Улар жамоалар ва ҳамкаслар билан қониқарли даражада ҳамкорлик қиласи, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш қобилияти, ўртacha даражада бўлса ҳам, салбий қийматларга яқин. Бироқ респондентлар етакчилик хислатлари ва қизиқтириш қобилияти, ходимларни ўқитиш ва ўзини ривожлантириш кўникмалари, режалаштириш қобилияти, тафсолотларга эътибор бериш ва тартиб-таомилларга риоя қилиш ва ташкилотга содиқлик борасида яхши кўрсаткичларни кўрсатдилар. Ташкилотга содиқлик малакаси респондентларда энг яхши ривожланган. Суҳбатлар пайтида респондентлар вақтни бошқариш, стрессга чидамлилик, мулоқот ва мослашувчанликни ошириш каби кўникмаларни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар. Суҳбат иштирокчилари, шунингдек, мутахассислик бўйича малакани ошириш, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, ташкилотнинг моддий-техник базасини яхшилаш зарурлигини таъкидладилар.

Сурхондарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,23 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 7-иловада келтирилган.

1.3.4.2. ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ

ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари билан суҳбатлар натижаларидан фарқли ўлароқ, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ДХМ операторлари асосан мазкур малакаларнинг ўртacha ривожланиш даражасини кўрсатдилар (1.14-график). Респондентларнинг олдинги гуруҳларида бўлгани каби самарали мулоқот қилиш ва стрессга чидамлилик кўникмалари энг паст кўрсаткичларга эга. Бу операторлар қийин вазиятларда ғазабланишини, ўзгарувчан кайфиятда бўлишини ва низоли вазиятлардан қочишини англатади. Айни вақтда суҳбат иштирокчилари режалаштириш кўникмаларини ривожлантиришда юқори натижаларни ва ташкилотга юқори даражадаги садоқатни намоён этдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш, ташкилотдаги ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш қобилиятлари ва кўникмаларининг,

1.14-график: Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ДХМ операторлари малакалари шарҳи



шунингдек, жамоани бошқариш қобилияти ва жамоада ишлаш кўнинмаларининг ривожланиш даражаси салбий кўрсаткичлар чегарасига яқин.

ДХМ операторлари билан суҳбатлар давомида мунтазам равишда малака даражасини ошириш, шунингдек бошқа ташкилотлар вакиллари билан тажриба алмашиш учун платформалар ташкил этиш зарурлигини таъкидладилар. Респондентлар, шунингдек, ДХМ орқали кўрсатиладиган давлат хизматларининг мавжуд рўйхатини кенгайтириш зарур деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, марказнинг моддий-техник базасини ва унинг инфратузилмасини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ДХА ҳудудий бошқармаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Қониқарли (3,26 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан суҳбатларнинг тоифаланган натижалари 13-иловада келтирилган.

1.3.5. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

1.3.5.1. СХУДУДИЙ ДХА ХОДИМЛАРИ

Деҳқонобод туманидаги ДХА бошқармаси ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижасида респондентлар режалаштириш, тафсилотларга эътибор бериш ва тартибтаомилларга риоя қилиш ва ташкилотга содиқлик кўнинмалари яхши даражада эканлигини намойиш этдилар (1.15-график). Респондентлар ишларида ушбу малакалар ҳар доим намоён бўлади. Етакчилик хислатлари, ўқитиш ва ўзини ривожлантириш, ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўнинмалари ўрта даражада ривожланган. ДХАнинг бошқа ҳудудий бошқармалари билан таққослаганда Қашқадарё вилоятида етарлича ривожлантирилмаган малакалар энг кўплиги аниқланди. Масалан, Деҳқонобод вилояти ДХА раҳбарларининг ишида жамоани бошқариш ва жамоада ишлаш, ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш, стрессга чидамлилик кўнинмалари ва ҳиссиётларни бошқариш қобилияти, ташаббускорлик ва мослашувчанлик, шунингдек, мижозга йўналтирилганлик кўнинмалари ярмидан камроқ ҳолатда намоён бўлади. Самарали мулоқот қилиш кўнинмалари фақат ҳолатларнинг ярмида намоён бўлади. Раҳбарлар учун зарур бўлган малакаларнинг ярми етарли даражада ривожланмаган-

1.15-график: Қашқадарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимлари малакалари шарҳи



лиги ташкилот фаолияти натижалариға ва қўрсатиладиган давлат хизматлари сифатига сезиларли даражада таъсир қўрсатади. Шунингдек, респондентлар ўз соҳаларида билим ва амалий кўникмаларни ошириш ва АҚТ соҳасида кўникмаларни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Қашқадарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Қониқарли (3,43 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан сұхбатларнинг тоифаланган натижалари 8-иловада келтирилган.

1.3.5.2. ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ

Дәхқонобод тумани ДХМ операторлари уларда малакалар нисбатан яхши даражада ривожланганинг кўрсатдилар (1.16-график). Хусусан, уларнинг ишида режалаштириш, тафсилотларга эътиборли бўлиш ва тартиб-таомилларга риоя қилиш ва ташкилотга содиқлик кўникмалари ҳар доим намоён бўлади. Шунингдек, етакчилик хислатлари, ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш, жамоада ишлаш ва ташкилотдаги ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш кўникмалари яхши даражада ривожланганини қайд этилмоқда. Мижозга йўналтирилганлик, қарорлар қабул қилиш ва ташаббускорлик кўникмалари қониқарли даражада намоён бўлади. Мижозга йўналтирилганлик кўникмаларни яхши даражага кўтариш мақсадида кичик аралашув зарурлигини таъкидлаш лозим. Иш муҳитини тушуниш кўникмалари ва натижаларга йўналганлик салбий чегараларга яқин. Бироқ самарали муроқот қилиш, ҳиссиётларни бошқариш ва стрессга чидамлилик кўникмалари ўзларига алоҳида эътиборни талаб қиласди, бу аввал таъкидлаб ўтилганидек, операторлар фаолияти билан сезиларли даражада боғлиқдир. Операторлар қийин вазиятларда ғазабланадилар ва ёқимсиз сұхбатлардан қочишга ҳаракат қиласдилар, бу уларнинг мижозлар билан ўзаро алоқалари сифатига салбий таъсир қўрсатади. Респондентларнинг ўзлари **муроқот қилиш кўникмаларини ошириш ва психология бўйича тренинглардан ўтиш, шунингдек, ҳуқуқий ва компьютер саводхонлигини ошириш, малака ошириш, бэк-офислар ва ДХМ ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш зарурлигини таъкидлайдилар.**

1.16-график: Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ДХМ операторлари малакалари шарҳи



Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ДХА ҳудудий бошқармаси ходимларининг малакаларини умумий баҳолаш: **Яхши (3,04 балл)**

Респондентлар ва ҳамкаслар билан сұхбатларнинг тоифаланган натижалари 14-иловада келтирилган.

1.4. МАҚСАДЛИ ТАШКИЛОТЛАР АСОСИЙ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАЛАРИ МАТРИЦАСИ

Малакалар матрицаси мақсадли ташкилотлар ходимлари орасида малакалар ривожланганигининг умумий даражасини акс эттиради (1-жадвал). Таҳлил натижаларини умумлаштириб, мақсадли ташкилотларнинг малакалари ўртача олганда қониқарли дейиш мумкин. Кўпчилик малакалар нисбатан қониқарли даражада, яъни фойдаланилган шкалалаш усули асосида улар сариқ ранг билан белгиланади ва аксарият ҳолларда респондентларда намоён бўлади. Айрим малакалар юксак даражада ривожланганини кўрсатиб, сезиларли даражада ажралиб туради. Масалан, деярли барча мақсадли ташкилотларда тафсилотларга эътибор бериш ва тартиб-таомилларга риоя қилиш кўнилмалари яхши ривожланган. Режалаштириш кўнилмалари ҳам жуда ривожланган ва кўпчилик ташкилотларда тез-тез намоён бўлади. Компанияга содиқлик ва ватанпарварлик кўрсаткичлари ҳам юқори.

Айни вақтда бир қатор малакаларнинг ривожланганлик даражаси шошилинч аралашувни талаб қиласди. Матрица кўрсатгандек, барча мақсадли ташкилотлар стрессга чидамлилик кўнилмалари ва ҳиссиётларни бошқариш қобилиятлари ҳамда самарали мулоқот қилиш кўнилмаларини ривожлантириши керак. Ҳозирги вақтда ҳолатларнинг 50 фоизида ходимлар ўзларини яхши ҳиссий ва руҳий ҳолатда ушлаб туролмайди ва қийин, стрессли вазиятларда ўзларини йўқотиб қўяди. Бундан ташқари, дарғазаблик ва кайфиятнинг ўзгариши, шунингдек, баҳсли вазиятда ўз фикрини ҳимоя қила олмаслик ҳам ҳамкаслар, ҳам мижозлар билан самарали ўзаро муносабатларга зиддир. Ташкилотлар, шунингдек, ташаббускорлик, янгиликка мослашувчанлик ва очиқлик кўнилмаларини ошириши керак. Айни вақтда ушбу малакалар ҳолатларнинг фақат ярмида намоён бўлади ва ушбу ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун

ҳам, умуман, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш учун ҳам жиддий яхшилашни талаб қиласди. Тадқиқот давомида мақсадли ташкилотлар ходимлари мулоқот қилиш кўникмасини, нотиқлик санъатини, психологогик саводхонлик ва мослашувчаникни ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

1-жадвал: Мақсадли ташкилотлар асосий ходимларининг малакалари умумий матрицаси

	ДҲА МА ходимлари	Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясининг марказий аппарат ходимлари	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг марказий аппарат ходимлари	ДҲА худудий бошқармалари ходимлари	Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси ходимлари	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари	Тажриба туманларининг ДҲМ директорлари	Тажриба туманларида ДҲМ оператори	Малака бўйича ўртача балл
Мижозга йўналтирилганлик	3.22	3.53	3.53	3.43	3.03	3.07	2.92	3.06	3.22
Компанияга содиқлик, ватанпарварлик	3.33	3.47	3.47	2.63	2.45	2.60	2.50	2.42	2.86
Натижага йўналтирилганлик, унинг учун жавобгарлик	3.35	3.43	3.43	3.39	3.14	3.44	3.43	3.35	3.37
Ташаббускорлик, мослашувчанлик, янгиликка очиқлик	3.45	3.51	3.51	3.51	3.60	3.83	3.50	3.36	3.53
Ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш	3.32	3.43	3.45	3.37	3.25	3.53	3.10	3.35	3.35
Ишбилармонлик муҳитини тушуниш	3.31	3.38	3.35	3.30	2.91	3.52	2.95	3.26	3.25
Тағсилотларга эътиборлилик, тартиб-таомилларга риоя этиш	2.85	2.75	2.80	2.75	2.35	3.10	2.55	2.67	2.73
Стрессга чидамлилик, ҳиссиятларни бошқариш қобилияти	3.76	3.95	3.95	3.74	4.05	3.95	3.70	3.93	3.88
Самарали мулоқот қилиш кўникмалари	4.23	4.38	4.38	4.29	4.01	4.38	4.35	4.14	4.27
Ташкилотдаги ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш кўникмалари	2.98	2.98	2.98	3.22	3.23	3.89	3.13	3.03	3.18
Жамоани бошқариш, жамоада ишлаш	3.37	3.34	3.34	3.29	3.03	3.35	2.95	3.06	3.21
Режалаштириш	2.65	2.63	2.63	2.53	2.15	3.09	2.33	2.49	2.56
Ходимларни ўқитиш ва ўзини ривожлантириш	3.23	3.30	3.30	3.01	3.01	3.24	2.80	3.16	3.13
Етакчилик хислатлари, асослаш	3.23	3.19	3.19	2.82	2.79	3.35	2.87	2.87	3.04
Ташкилот бўйича ўртача балл	3.30	3.38	3.38	3.23	3.07	3.45	3.08	3.15	

1.5. МАҚСАДЛИ ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАЛАБ ҚИЛИНАЁТГАН МАЛАКАЛАРИ

Мақсадли ташкилотлар ходимларининг малакаларини таҳлил қилиш натижасида тубдан такомиллаштиришни талаб қиладиган бир нечта малакаларни аниқлаш мумкин:

- стрессга чидамлилик ва ҳиссиётларни бошқариш қобилияти;
- самарали мулоқот қилиш кўникмалари;
- ташаббускорлик, мослашувчанлик ва янгиликка очиқлик.

Ходимларнинг малакасини ошириш учун қуийидаги мавзулар бўйича тренинглар ўтказиш ҳам тавсия этилади:

- ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш;
- ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш кўникмалари.

1.6.1. ДХА МАРКАЗИЙ АППАРАТИ ВА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИ

Қуийидагиларни яхшилаши лозим:

- самарали мулоқот қилиш кўникмалари;
- стрессга чидамлилик ва ҳиссиётларни бошқариш қобилияти;
- ташаббускорлик, мослашувчанлик ва янгиликка очиқлик.

Қуийидагиларни яхшилаши тавсия этилади:

- мижозга йўналтирилганлик;
- натижага йўналтирилганлик ва жавобгарлик;
- ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш.

1.6.2. ТАЖРИБА ҲУДУДЛАРИ ДХМ

Қуийидагиларни яхшилаши лозим:

- стрессга чидамлилик, ҳиссиётларни бошқариш қобилияти;
- самарали мулоқот қилиш кўникмалари.

Қуийидагиларни яхшилаши тавсия этилади:

- ташаббускорлик, мослашувчанлик, открытость к новому;
- ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш;
- натижага йўналтирилганлик ва унинг жавобгарлик.

1.6.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАҶИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИННИГ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ

Қуийидагиларни яхшилаши лозим:

- самарали мулоқот қилиш кўникмалари;
- стрессга чидамлилик ва ҳиссиётларни бошқариш қобилияти;

- ташаббускорлик, мослашувчанлик ва янгиликка очиқлик.
- мижозга йўналтирилганлик.

Қуидагиларни яхшилаши тавсия этилади:

- натижага йўналтирилганлик ва жавобгарлик;
- ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш;
- жамоани бошқариш, жамоада ишлаш;
- ходимларни ўқитиш ва ўзини ривожлантириш.

1.6.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ

Қуидагиларни яхшилаши лозим:

- самарали мулоқот қилиш кўникмалари;
- стрессга чидамлилик ва ҳиссиётларни бошқариш қобилияти;
- ташаббускорлик, мослашувчанлик ва янгиликка очиқлик;
- мижозга йўналтирилганлик;
- компанияга содиқлик ва ватанпарварлик.

Қуидагиларни яхшилаши тавсия этилади:

- ишбилармонлик муҳитини тушуниш;
- натижага йўналтирилганлик ва унинг учун жавобгарлик;
- ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш.

1.6. ДХА / ДХМ ВА МАСЪУЛ ТАШКИЛОТЛарНИНГ СЎРАБ ЧИҚИЛГАН ХОДИМЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ТРЕНИНГЛАР МАВЗУЛАРИ

“Атрофдагилар билан ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш” 1-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

Ушбу модуль бўйича тренинглар самарали мулоқот қилиш кўникмаларини (коммуникатив кўникмаларни) ва мослашувчанликни ривожлантириш даражасини оширишга қаратилган. Коммуникатив кўникмалар бир кишининг олинаётган ахборотни тўғри талқин қилган ва узатган ҳолда бошқалар билан ҳамкорлик қилиш қобилияти ҳисобланади. Ривожланган мулоқот қилиш кўникмалари тўплами самарали мулоқот ўрнатиш қобилиятини таъминлайди. Ушбу кўникмаларга одатда алоқа ўрнатиш осонлиги, суҳбатни давом эттириш, синтон мулоқот қилиш кўникмалари, келиша олиш қобилияти ва ўз қонуний ҳуқуқларини талаб қилиш киради. Коммуникатив кўникмаларни ва самарали мулоқотни ривожлантириш бўйича тренинглар одамлар билан ҳамкорликнинг қуидаги жиҳатларини ривожлантиришга қаратилган:

- Диққат-эътиборни суҳбатдошга қарата олиш ва ахборотини идрок эта олиш;
- Суҳбатдошни рағбатлантириш, эшитган нарсалар асосида аниқ саволларни шакллантириш қобилияти;

- Бошқача ифодалаш усулларидан фойдаланиш, тушунмаётганликни ифода этиш, эшигтан нарсаларни акс эттириш ва сухбатдошдан олинган ахборотни умумлаштириш қобилияти;
- Ҳамдардлик сухбатдошнинг ҳиссий ҳолатини идрок қилиш ва у билан алоқа ўрнатишда буни ҳисобга олиш қобилияти сифатида;
- Мулоқотда мослашувчанлик ва муроса топиш қобилияти;
- Ҳиссий кескинликни назорат қилиш;
- Мулоқот жараёнида кучайиб бораётган кескинликни бартараф этиш қобилияти;
- Ўз ҳис-туйғуларини ва сухбатдошнинг ҳис-туйғуларини тезда таҳлил қилиш ва бундан алоқа жараёнида фойдаланиш қобилияти;
- Мотивация воситасида бошқа одамларга таъсир ўtkазиш кўникмаларини ривожлантириш;
- Конструктив танқид қилиш, конструктив муҳокама қилиш ва келишмовчиликларни бартараф этиш, катта натижаларга эришишга руҳлантириш учун бошқаларни эътироф этиш кўникмаларидан фойдаланиш.

Мослашувчанлик, ўз навбатида, ўзгаришларга осон мослашиш, янги технологияларни жорий этишда кўмаклашиш, мустақил равишда янги оригинал ечимлар таклиф қилиш қобилиятини назарда тутади. Турли, шу жумладан муаммо ҳақида зид фикрларни тушуниш ва эътиборга олишни, ўзгарган вазият талабларига мувофиқ ўз ёндашувини мослаштиришни, шунингдек, ўз ташкилотидаги ёки ишидаги ўзгаришларни таклиф қилиш ёки дарҳол қабул қилиш қобилиятини назарда тутади. Ходимларда ушбу малакани ривожлантириш мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- Ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитидаги ўзгаришларга мослашиш қобилияти;
- Ўзгаришлар шароитида самарадорликни сақлаб қолиш қобилияти;
- Ташкилотдаги ҳамкаслар ва раҳбарият билан, шунингдек, ташқи мижозлар билан муносабатларда мослашувчанликни сақлаб қолиш қобилияти.

“Мулоқотда бўладиган касб эгаларида стрессга чидамлиликни ривожлантириш” 2-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Ушбу модуль “**Стрессга чидамлилик, ўз ҳиссий ҳолатини бошқариш қобилияти**” ва “**Психологик саводхонлик**” малакаларини ривожлантиришга қаратилган.

Стрессга чидамлилик – бу психологиядаги термин бўлиб, у ўз руҳияти ва атрофдагилар учун салбий оқибат келтириб чиқармай, инсонга психологик босимга қарши туришга имкон берадиган шахсий фазилатларнинг бирикмаси сифатида талқин этилади. Стрессга чидамлилик кўникмаларини ривожлантириш қўйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

- Юзага келаётган стрессни ўз вақтида билиш усуллари ва методларини ўзлаштириш;
- Унинг пайдо бўлиш сабаблари ва манбаларини тушуниш;
- Ўз ҳиссий ва психологик ҳолатини назорат қилиш ва уни бошқариш;
- Стрессли вазиятларга қарши курашиш қобилиятини ва улар пайдо бўлганда самарадорликни йўқотмаслик қобилиятини ошириш;
- Ўз-ўзини бошқариш ва ҳаётга ижобий муносабатни сақлаш усулларини машқ қилиш.

Психологик саводхонлик олимлар томонидан элементар психологик билим ва кўниқмалар мажмуи сифатида қаралади. У психологик маданият асосларини ифодалайди, мазкур асослардан ёш, ўзига хос ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда психологик маданият ривожлана бошлайди. Психологик саводхонлик психологик билимларни (фактлар, таассуротлар, тушунчалар, қонунлар ва бошқаларни), мулоқот, хулқ-атвор, психик фаолият соҳасидаги қобилиятлар, рамзлар, анъаналар, қоида ва нормаларни ўзлаштиришни англатади. Психологик саводхонлик илмий билимлар нуқтаи назаридан ҳам, анъаналар, урф-одатлар, инсоннинг бошқа одамлар билан бевосита мулоқотидан, оммавий ахборот воситаларидан олинган кундалик тажриба нуқтаи назаридан ҳам, психиканинг турли ҳодисаларидан хабардорлик, билимдонлик ва ҳоказоларда намоён бўлиши мумкин. Психологик саводхонлик белгилар тизимини ва уларнинг маъноларини, фаолият усулларини, хусусан, психологик билиш усулларини ўзлаштиришни назарда тутади. Ушбу малакани ривожлантириш мақсадлари қуидагилардан иборат:

- билиш ва ўз-ўзини билишнинг психологик воситаларини ўзлаштириш ва улардан муқобил фойдаланиш ҳамда уларни касбий мулоқотда қўллаш;
- ўтган тажрибани таҳлил қилиш ва ундан касбий фаолият жараёнида юзага келадиган мавжуд муаммоларни, шу жумладан, психологик хусусиятларни ҳал қилиш учун мақбул даражада фойдаланиш;
- психологик муаммоларни, вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган билим, кўниқма ва қобилиятларни ўзлаштириш ҳамда улардан мақбул даражада фойдаланиш, муайян шароитларга кўчириш;
- турли вазиятларда хулқ-атвор ва фаолиятнинг самарали дастурларини ишлаб чиқиш.

Ходимларнинг ташаббускорлигини ва қасбий мослашувчанлигини ривожлантириш” З-сонли мавзу” (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Ушбу ўқув модули ташаббускорлик, мослашувчанлик ва янгиликка очиқлик малакасини ривожлантиришга қаратилган. Ташаббускорлик ҳаракатлар мустақиллигида, тўсиқларни бартараф этиш, жараён ва натижаларни яхшилашга уриниш қобилиятида намоён бўлади. Муаммоларни, тўсиқларни ёки қулай имкониятларни аниқлаш, ҳам жорий, ҳам келажақдаги муаммоларни ёки имкониятларни ҳисобга оладиган ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятини назарда тутади. Мослашувчанлик ўз навбатида — бу жамоада белгиланган қоидаларга, шунингдек, ушбу асослар ва қадриятларни ўртоқлашиш орқали янгиликларга мослашиш қобилиятидир. Мослашувчанликда самимий истак ва ўзгаришларга тайёр бўлиш муҳимдир. Қуидагилар ушбу малаканинг юқори даражада ривожланишига хосдир:

- ижобий қасбий тафаккур шаклланганлиги;
- ўз-ўзини назорат қилиш шаклланганлиги;
- ташкилотнинг мақсад ва қадриятларини аниқ тушуниш;
- натижа учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлик.

“Ходимларнинг натижага йўналтирилганлигини ривожлантириш” 4-сонли мавзу” (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Ушбу модуль “Натижага йўналтирилганлик ва унинг учун жавобгарлик” малакасини ривожлантиришга қаратилган. Натижага йўналтирилганлик — бу ходимнинг ўз-ўзини рағбатлантириш билан компаниянинг мақсадини яхши ташкил этилган иш жараёни-

га бирлаштириш қобилияти бўлиб, унинг натижаси миқдорий ва сифат жиҳатидан ўлчаниши мумкин. Бу малака ҳам ўз-ўзини ташкил этиш ва ходимларни рағбатлантириш кўникмаларини ривожлантиришни назарда тутади. Раҳбарлар ёки менежерлар нуқтаи назаридан ушбу малакани ривожлантириш мақсадларни қўриш ёки шакллантириш, шунингдек, ижрочининг муайян ҳаракатини катта натижка билан боғлаш ва самарадорлик кўрсаткичларининг бир-бирига таъсирини тушуниш қобилиятини назарда тутади. Натижага йўналтирилган кўникмаларини ривожлантириш қўйидаги жиҳатлар ва мақсадларни назарда тутади:

- Корпоратив режалаштириш ва мақсадлар қўйиш концепциясини тушуниш;
- Ташкилотнинг иш режаси, унинг бўлинмаси ва шахсий режасининг асосини шакллантириш қобилияти;
- Мақсадлар қўйиш, лойиҳаларни режалаштириш ва бошқаришнинг турли корпоратив технологиялари ва воситаларини ўрганиш;
- Тўғри вакил бўлиш қобилияти;
- Лойиҳаларни бошқариш қобилияти.

“Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш” 5-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Ушбу мавзу бўйича тренинглар ахборот таҳлили ва қарор қабул қилиш соҳасидаги малакаларни ривожлантиришга қаратилган. Бу малака дикқат-эътибор юқори савияда бўлганда ахборотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш қобилиятини, асосий нарсани ажратиш ва таҳлил асосида онгли, мувозанатли қарорлар қабул қилиш қобилиятини назарда тутади. Кўпинча кундалик иш фаолиятида ахборот таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш малакасидан ходимлар ахборот таҳлилининг маълум усул ва методларидан фойдаланмасдан ўз-ўзидан фойдаланадилар. Бироқ тизимни таҳлил қилиш кўникмалари ва унинг натижалари бўйича ўз қарорларини асослаш қобилияти ҳар қандай ташкилотнинг муваффақиятли фаолияти учун жуда муҳимдир. Ушбу малакани шакллантиришнинг жиҳатлари ва мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- Тарқоқ ёки етарли бўлмаган ахборотни тўплаш, баҳолаш ва синтез қилиш бўйича билим ва кўникмаларни ошириш;
- Сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш;
- Қабул қилинадиган қарорлар сифатини ошириш;
- Ташкилот сиёсатини шакллантиришда таҳлил тамойилларини ўрганиш;
- Муҳим масалаларни аниқлай олиш.

Ушбу модуль қарор қабул қилиш жараёни ва психологияси, ахборот хусусиятлари ва унга қўйилган талаблар, ахборотни таҳлил қилиш, қарор қабул қилишнинг оқилона мантиқий усуллари, қарор қабул қилишнинг норасмий эвристик усуллари, қарор қабул қилиш усулларини танлаш, қарор қабул қилишда ва уларни амалга оширишда ўзгаришларни бошқариш каби соҳаларни ёритишига қаратилган.

“Ходимлар томонидан ташқи муҳитни қабул қилиш” 6-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Ушбу тренинглар доирасида иштирокчилар “**Ишбилармонлик муҳитини тушуниш**” малакасининг ривожланганлик даражасини ошириш имконига эга бўладилар. Бизнес-муҳит — бу асосан бизнеснинг назорати ва таъсиридан ташқарида бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик кучлар мажмуи бўлиб, бизнесга ижобий ва

салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бизнес-муҳит бизнесни ривожлантиришга кўмаклашадиган омиллар мажмуми бўлиб, улар орасида давлат ва бироқратик тартибга солиш, инвестиция, коррупция, солиқ юки, қонунчилликни тартибга солиш, мулкий ҳуқуқлар ва молиявий ресурслардан фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Корхонанинг бизнес-муҳити одатда ички ва ташқи муҳитга бўлинади. Ташкilotнинг ишбилармонлик муҳити ҳақида тушунчани ривожлантириш қўйидагиларни назарда тутади:

- Ташқи ва ички ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ҳақидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш усуllibарини ўрганиш;
- Корпоратив ижтимоий жавобгарлик тамойилларини ўрганиш;
- Ташқи ва ички ишбилармонлик муҳитининг ўзгариш омиллари ва индикаторлари-ни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш.

“Жамоада самарали ишлаш” 7-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Ушбу мавзу бўйича тренинглар ўтказиш жараёнида асосий эътибор жамоавий ишлаш ва жамоани бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилади. Бу малака жамоада ишлаш, жамоа манфаатлари ва шахсий манфаатлар мувозанатини сақлаш ҳамда жамоа аъзолари билан самарали ҳамкорлик қилиш кўникмаларини белгилайди. Агар чизиқ ходимлари учун бу малака ҳамкорликни конструктив тарзда қуриш ва низоларни ҳал қилиш қобилиятида намоён бўлса, раҳбарлар учун жамоада ишлашни намоён қилиш мезонлари жуда катта ва унинг ривожланиш аҳамияти анча юқори. Жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш қўйидагиларни назарда тутади:

- Жамоангиз муаммоларига эътибор, уларни конструктив ҳал этишда фаол иштирок этиш;
- Умумжамоавий ва ўзига хос мақсадлар мувозанатини сақлаб, ўз иш вақтини ташкил қилиш қобилияти;
- Ишда ўз ҳаракатларингизнинг жамоанинг бошқа аъзоларига таъсирини ҳисобга олиш қобилияти;
- Ҳамкаслар билан мулоқотда конструктивлик, ҳамкорлик қилишга, зиддиятли вазиятда ҳам қарама-қаршиликларнинг ўзаро мақбул ечимини топишга интиласиз;
- Ходимларни бир-бирига ёрдам беришга ундаш қобилияти;
- Умумий натижага эришишга йўналтирилганлик, бу ҳам якка тартибдаги иш, ҳам бутун бўлинма иши режалаштирилади;
- Жамоа руҳини сақлаб қолиш қобилияти;
- Низоларни конструктив йўл билан ҳал қилиш қобилияти.

Ушбу тренинглар доирасида ишбилармонлик мулоқотининг юқори маданиятини назарда тутувчи **“Ташкилотдаги ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш кўникмалари”** малакасини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилади. Ушбу малака самарали мулоқот қилиш ва жамоада ишлаш кўникмалари билан боғлиқ. Ҳамкаслар билан самарали мулоқот қила оладиган юқори даражадаги ходим учун одатда қўйидагилар хос:

- Ўз ҳаракатларини ҳамкаслари билан мувофиқлаштириш қобилияти;
- Хушмуомалалик, пунктуаллик ва одобнинг юқори даражаси;
- Муносабатларни мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан ўрнатиш қобилияти.

Бундан ташқари, ушбу мавзу бўйича тренинглар доирасида алоҳида эътибор қўйидаги саволларга жавоб беришга қаратилади:

- Гуруҳ нима?
- Жамоа нима?
- Жамоа ишларида мақсадларга қандай эришиш мумкин?
- Жамоавий мулоқот
- Жамоада раҳбарнинг роли
- Кўшма қарорлар қандай қабул қилинади?

“Ташкилотда мижозларга йўналтирилганликни ривожлантириш” 8-сонли мавзуу (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Бу малака корпоратив маданиятнинг бир қисми бўлиб, нафақат мижозларнинг эҳтиёжларини тушунишга, балки уларнинг қадриятлари ва эътиқодларини тушунишга қаратилган маслаклар мажмуи. Мижозга йўналтирилганлик ҳар қандай стратегик қарор қабул қилишда мижоз дикқат марказида туришини ҳам назарда тутади. Мижозга йўналтирилган ходим ва / ёки раҳбар мижозларнинг эҳтиёжларини ташкилотнинг мақсадлари ва қадриятлари билан бирлаштириш, ҳар икки томоннинг фойдасини максимал даражада ошириш қобилиятига эга. Қўйидагилар мазкур малакага хосдир:

- Мижоз билан ишончли муносабатлар қуриш кўникмаларини ривожлантириш;
- Ходимлар ва раҳбарларнинг ҳиссий ақлини шакллантириш;
- Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- Хизматларнинг потенциал фойдаланувчисининг умумий “портрети”ни тушуниш;
- Мижознинг хизмат кўрсатиш тизимига бўлган истаклари ва талабларини тушуниш;
- У билан ҳамкорлик қилишда мижознинг асосий эҳтиёжларини аниқлашга қаратилган саволларни шакллантириш ва йўналтириш қобилияти;
- Фаол тинглашни ривожлантириш;

Тренинг иштирокчилари қўйидаги имкониятга эга бўлади:

- Мижозга йўналтирилганлик даражалари билан танишиш;
- Мижозга йўналтирилганлик даражасига қараб мижозлар билан ҳамкорлик қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш;
- Ишда мижозларга йўналтирилган ёндашувни ўзлаштириш;
- Мижозга йўналтирилганлик ва “ўсиш зоналарини” ривожлантириш бўйича ўзига хос тавсиялар олиш.

“Ходимларни ўқитиш: энг кам харажатлар — энг кўп самарадорлик” 9-сонли мавзуу (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Ушбу модулдан тренинглар ўтказиш жараёнида **“Ходимларни ўқитиш ва ўзини ривожлантириш”** малакасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу малака ходимларнинг (раҳбарлар ва менежерларнинг) касба ўқитилишини ташкил этиш қобилиятини, шунингдек, ўзининг ўқишини ва ўз-ўзини ривожлантиришни режалаштириш қобилиятини (раҳбарлар, менежерлар ва оддий ходимлар) назарда тутади. Биринчиси иш

жараёнидан ажралмасдан ҳам ташкилот ичида ўқитишни, ҳам семинарлар, тренинглар ва малака ошириш курсларига қатнашни назарда тутивчи ташқи ўқитишни ўз ичига олади. Бу ҳолда раҳбарнинг вазифаси ходимларнинг иш самарадорлиги ва натижадорлигидаги йўқотишларнинг олдини олган ҳолда уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишдан, шунингдек уларни ўқишга қизиқтиришдан иборат. Касбий ўзини ўзи ривожлантириш, ўз навбатида, касбий соҳадаги ўз малакаларини такомиллаштиришни ифодалайди. Ушбу малаканинг икки компонентининг мақсадли кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

- Самарали ўқитиш жараёнини йўлга қўйиш учун ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш;
- Режалаштириш ва вақтни (ўзингизнинг ва агар сўз раҳбар ҳақида бораётган бўлса, қўл остингиздагиларнинг вақтини) бошқариш кўникмаларини ривожлантириш;
- Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги жорий трендлар ҳамда мижозларнинг фикр-мулоҳазалари асосида ўқитишнинг асосий йўналишларини аниқлай олиш;
- Ўз-ўзини рағбатлантириш ва ходимларни ўқишга қизиқтириш кўникмаларини ривожлантириш.

Бундан ташқари, тренинглар ўтказишдан қўйидаги мақсадлар кўзланади:

- Ходимларни ўқитишнинг кам бюджетли шакллари ва технологияларини муҳокама қилиш.
- Ўз-ўзини ўқитадиган ташкилот яратиш афзалликларини аниқлаш.
- Иш жойида ва ўз кучи билан ходимларни узлуксиз ўқитишни ташкил этиш ва ўтказиш кўникмаларини эгаллаш.
- Қўл остидагиларни узлуксиз ўқитишга ходимларни қандай қилиб қизиқтиришни тушунириш.
- Ходимларни узлуксиз ўқитиш дастурларининг ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Танланган методологияда назарда тутилган баҳолаш малакалари билан бир қаторда суҳбат иштирокчилари, уларнинг фикрича, ўз касбий вазифаларини самаралироқ бажариш учун ривожлантириши керак бўлган маҳорат ва кўникмаларни ҳам келтирдилар. Қўйида респондентлар томонидан ўз ишлари учун зарур деб кўрсатилган малакаларни ривожлантириш учун тренинглар келтирилган.

“Жамоат олдида нутқ сўзлаш” 10-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Ушбу модуль иштирокчиларнинг ораторик маҳоратини (ёки риторик малакасини) ривожланиш даражасини ошириш учун мўлжалланган. Риторик малака матнни жамоат олдидаги нутқнинг мақсади ва ҳолатига мос равишда яратиш, сўзлаш ва тушуниб этиш қобилиятини ўзида ифодалайди. Шунингдек, бу лисоний ва маданий нормаларга жавоб берадиган шахслараро, гуруҳ бўлиб ва жамоавий жамоатчилик мулоқоти жараёнида самарали нутқий таъсир кўрсатиш қобилияти ҳамдир. Қўйидагилар мазкур малаканинг мақсадли кўрсаткичларига киради:

- Ишончли сўзлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- Тил ва нутқ жонлилигини ривожлантириш;
- Талаффуз ва интонацияни такомиллаштириш;
- Тингловчилар аудиторияси олдида нутқ сўзлашдаги шахсий камчиликлар ва кўркувни (коммуникатив ораторлик шокка учрашни) енгиш;

- Ўзига бўлган ишончни ривожлантириш; омма олдида нутқ сўзлашга тайёргарлик кўришнинг назарий жиҳатларини ўзлаштириш;
- Риторика кўникмаларига эга бўлиш;
- Омма олдида самарали нутқ сўзлаш тажрибасини орттириш.

Тренинглар жараёнида иштирокчилар ораторлик маҳоратининг қуидаги техник жиҳатларини машқ қиласди:

- Нутқ режаси;
- Ораторлик усуллари;
- Нутқ сўзлаш техникалари;
- Матнни эслаб қолиш усуллари;
- Аудитория билан ишлаш усуллари.

“Хатарларни бошқариш” 11-сонли мавзу (ДХА/ДХМ)

Ташкилот фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган воқеаларни аниқлаш ва ушбу воқеалар билан боғлиқ хатарни бошқариш, шунингдек ташкилот хавфининг мумкин бўлган энг юқори даражасидан ошиб кетмасликни назорат қилиш ва ташкилот мақсадларига эришишнинг оқилона кафолатини тақдим этиш, узлуксиз фаолиятни таъминлайдиган хатар даражасини қўллаб-қувватлаш ва ташкилотни барқарор ривожлантириш, таъсисчилар, мулқдорлар ва бошқа манфаатдор томонлар учун хавфни ҳисобга олган ҳолда ташкилот фаолиятининг мақбул натижасини олиш хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш профессионал фаолиятининг мақсади ҳисобланади¹. Қуидагилар мазкур малаканинг мақсадли кўрсаткичлари ҳисобланади:

- Ташкилотда хатарларни ўз аниқлаш ва баҳолаш қобилияти;
- Хатарларни камайтириш бўйича тадбир ишлаб чиқиш ва ўтказиш қобилияти ва хизматлар кўрсатиш учун жавоб берадиган ҳамкорлик ташкилотлари, муассасалар ва хизматлардан фойдаланувчилар ўртасида хавфларни диверсификациялаш қобилияти;
- Умуман ташкилот хатарлари (раҳбарлар учун) ва муайян иш участкалари (ўрта ва қуий бўғин раҳбарлари, шунингдек оддий ходимлар учун) жамланма профилини тайёрлаш қобилияти;
- Ташкилот ходимлари орасида хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш маданиятини ривожлантиришни татбиқ этишга тайёрлик.

Ушбу модуль қуидаги элементлардан иборат:

- Хатарларни бошқариш муҳимлигини тушуниш;
- Хатарларни аниқлаш;
- Хатарларни бошқариш;
- Хатарларга эътибор қаратиш усулларни;
- Хатарларни камайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- Хатарларни мониторинг қилиш ва назорат қилиш;
- Хатарларни бошқариш маданияти;

¹Найданова, М. А., & Алексеев, А. О. (2016). Компетенции в области анализа и управления рисками, требующиеся специалистам по управлению рисками. Master's Journal, (2), 402-410.

■ Ходимларнинг психологик тўсиқлари.

“Ўзини ўзи муваффақиятли ташкил этишни ривожлантириш” 12-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Давлат экология қўмитаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

Ушбу модуль вақтни бошқариш ва диққат-эътиборни жамлаш кўникмаларини ривожлантиришни қамраб олади. Вақтни бошқариш (ёки тайм-менежмент) — бу муайян ҳаракатларга, айниқса самарадорлик, натижадорлик ва маҳсулдорликни ошириш учун сарфланадиган вақтни режалаштириш ва онгли назорат қилиш жараёнидир. У иш, жамият ҳаёти, оила, хобби, шахсий қизиқишлар ва мажбуриятлар боғлиқ шахсга қўйилган турли талабларни вақт чегараланиши билан бирлаштириш ҳаракатини ўз ичига олади². Ушбу малаканинг ривожлантирилиши қўйидагиларни назарда тутади:

- Вақтни оқилона режалаштириш принциплари ва қоидаларини ўрганиш;
- Узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли истиқболда вақтни самарали режалаштириш кўникмаларини ривожлантириш;
- Вақт этишмаслиги билан боғлиқ ортиқча ҳиссий таранглик ва стрессни бартараф этиш.
- Вақтни тўғри тақсимлаш орқали стрессоген вазиятларни бартараф этиш қобилияти..

Мижозларнинг шахсга доир маълумотлари билан доимий ишлаш жараёни ва мижозлар айланишининг юқори даражаси давлат хизматлари ва ДХМ аппарати ходимларидан деталларга кўп диққат-эътиборни ва натижада фикр жамлашни талаб қиласди. Диққат-эътиборни жамлаш кўникмаларини яхшилаш қўйидагиларни назарда тутади:

- Вазифалар кўп бўлган ва вазифалардан вазифаларга тез-тез ўтилган шароитда диққат-эътиборни жамлаш зарур даражасини сақлаш қобилияти;
- Диққат-эътиборни жамлаш ва иш вақти давомида уни сақлашни мустақил машқ қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- Диққат-эътиборни жамлашнинг жисмоний омиллари ҳақида хабардорликни ошириш.

“Рақамли саводхонлик” 13-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

Суҳбат иштирокчилари давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш соҳасида ходимлар саводхонлигини ошириш заруратини таъкидладилар. ДХА ходимларида ва масъул ташкилотларда мазкур малакани ривожлантириш қўйидагиларни назарда тутади:

- Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида фойдаланиладиган илғор дастурий таъминотни ўрганиш;
- Машинкада ёзиш кўникмаларини ривожлантириш;
- Давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида қайта ишланадиган ахборот махфийлигини таъминлаш усулларини ўрганиш;
- Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ касбий ахлоқ қоидаларини ривожлантириш.

“Норматив-ҳуқуқий базани билиш” 14-сонли мавзу (ДХА/ДХМ, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси).

² Cottrell, S. (2013). The study skills handbook. Macmillan International Higher Education.

Суҳбат ўтказиш чоғида давлат хизматлари ва масъул ташкилотлар аппарати ходимлари ходимларнинг юридик саводхонлигини ошириш зарурлигини қайд этдилар. Қуйидагилар юридик саводхонликни ривожлантиришнинг аниқ мақсадга қаратилган кўрсаткичлари ҳисобланади:

- Ходимларнинг давлат хизматларини кўрсатиш норматив-ҳуқуқий базасини билиш даражасини ошириш;
- Муайян йўналишлар бўйича давлат хизматлари кўрсатиш асосланадиган базавий қонунларни билиш даражасини ошириш (солиқ солиш, уй-жой коммунал хўжалиги, юридик хизматлар, иқтисодий хизматлар ва ҳоказолар);
- Ўзбекистонда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига тааллуқли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни билиш даражасини ошириш.

“Ходимларнинг содиқлигини ривожлантириш” 15-сонли мавзу (Экология қўмитаси).

Ташкилотга содиқлик ходимнинг ташкилот мақсадлари ва қадриятларига содиқликни, шунингдек ушбу мақсадларни амалга оширишни қўллаб-қувватлайдиган ва бунга кўмаклашадиган фаолиятни амалга оширишни ўзида ифодалайди. Юксак даражада содиқ бўлган ходим ишдаги ўз участкаси доирасида ҳам, ташкилот умумий қўлами доирасида ҳам энг яхши натижага эришиш учун бор кучини сарфлайди. Қуйидагилар юксак даражадаги содиқликка хос:

- Ташкилот қадриятларига қўшилиш ва уларни қабул қилиш;
- Энг юқори натижага эришиш мақсадини кўзлаб, ўз лавозим мажбуриятларини вижданан ва ҳалоллик билан бажариш;
- Ҳам ўз иш натижаси, ҳам ташкилот умумий иши учун корпоратив ижтимоий жавобгарлик ва касбий жавобгарлик юксак туйғуси;
- Ташкилотда қабул қилинган касбий ахлоқ қоидасига сўзсиз риоя қилиш;
- Ташкилот манфаатларини ҳимоя қилиш..

“Етакчилик: самарали раҳбарлик сабоқлари” 16-сонли мавзу (Экология қўмитаси).

Етакчилик ташкилотдаги (корхонадаги, фирмадаги), унинг бўлинмасидаги, гуруҳдаги муайян шахснинг ҳолатини (мақомини) ўзида ифодалайди, бу бунга эга бўлган шахснинг бошқа одамлар саъй-ҳаракатларини ташкилотнинг муайян мақсадларига эришишга йўналтириб, уларга таъсир кўрсатиш қобилияти билан ифодаланади. Етакчилик хислатлари ҳам ўз қўл остидагиларни, ҳам ҳамкасларни қизиқтириш қобилиятини ўз ичига олади.

Етакчилик хислатларини ривожлантиришнинг муайян даражасига қўйилган талаблар кўпинча менежмент вакилларига қўлланилишига қарамай, мазкур кўникумаларни ривожлантириш оддий ходимлар учун ҳам муҳимдир, чунки кадрлар алмашинуви ва мансаб поғоналарида юксалиш бунга боғлиқ. Қуйидагилар етакчилик хислатларини ривожлантиришнинг юқори даражасига хосдир:

- Узоқни пухта кўра билиш – ташкилот қиёфаси ва вазифаларини шакллантириш қобилияти;
- Устуворликларни аниқлай олиш – нима зарурлигини, нима эса шунчаки муҳимлигини фарқлаш қобилияти;
- Муваффақиятни эътироф этиш ва тақдирлаш орқали издошларни қизиқтира олиш;

- Шахслараро муносабатлар санъатини эгаллаш: гапириш, эшитиш, айтиб бериш, ўз ҳаракатларига ишониш қобилияти;
- Харизм ёки жозибадорлик – таърифлаб бўлмайдиган, бироқ кишиларни мафтун қиласидиган хислатлардир;
- Ваколатларни издошларга бериш каби масалаларда таваккал қилиш қобилияти;
- Мослашувчанлик – янги ғоялар ва тажрибага муносабат билдириш қобилияти;
- Ҳолатлар талаб қилганда қатъийлик, журъатлилик.

Тренинглар ўтказиш жараёнида қўйидаги мавзулар ёритилади:

- ТЕтакчилик назариялари ва усуллари;
- Етакчи хислатлари;
- Етакчи кўникмалари;
- Етакчилик ва мотивация;
- Етакчи ва жамоада ишлаш.

1.7. МАҚСАДЛИ ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИНИ ЎҚИТИШ РЕЖАСИ

*Ўқитиш йўналишлари олинган натижалар асосида мақсадли ташкилотлар ходимлари учун ўрганилган малакаларнинг аҳамияти камайиб борадиган тартибда кўрсатилган

Бўлинмалар/по-зициялар	Тренинг мавзуси	Ўқитиш режими	Ўқитиш муддатла-ри
ДХА/ДХМ			
ДХА марказий аппарати ходимлари	"Атрофдагилар билан ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш"	Ишлаб чиқаришдан айирмаган ҳолда; келишилган график бўйича.	16 соат
	"Коммуникатив касб эгаларида стрессга чидамлиликни ривожлантириш"		8 соат
	"Ходимлар ташаббускорлигини ва уларнинг касбларга мослашувчанлигини ривожлантириш"		12 соат
	"Ташкилотда мижозга йўналтирилганликни ривожлантириш"		16 соат
	"Жавобгарликни ва натижага йўналтирилганликни ривожлантириш"		14 соат
	"Ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш"		16 соат
Тажриба худудлари ДХМ	"Коммуникатив касб эгаларида стрессга чидамлиликни ривожлантириш"	Ишлаб чиқаришдан айирмаган ҳолда; келишилган график бўйича	8 соат
	"Атрофдагилар билан ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш"		16 соат
	"Ходимлар ташаббускорлигини ва уларнинг касбларга мослашувчанлигини ривожлантириш"		6 соат
	"Ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш"		16 соат
	"Жавобгарликни ва натижага йўналтирилганликни ривожлантириш"		14 соат

Бўлинмалар/позициялар	Тренинг мавзуси	Ўқитиш режими	Ўқитиш муддатлари
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси			
Марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар ходимлари.	"Атрофдагилар билан ҳамкорлик кўнилмаларини ривожлантириш"	Ишлаб чиқаришдан айирмаган ҳолда; келишилган график бўйича.	16 соат
	"Коммуникатив касб эгаларида стрессга чидамлиликни ривожлантириш"		8 соат
	"Ходимлар ташаббускорлигини ва уларнинг касбларга мослашувчанлигини ривожлантириш"		12 соат
	"Ташкилотда мижозга йўналтирилганликни ривожлантириш"		16 соат
	"Жавобгарликни ва натижага йўналтирилганликни ривожлантириш"		14 соат
	"Ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш"		16 соат
	"Самарали жамоада ишлаш"		16 соат
	"Ходимларни ўқитиш: кам сарф — катта самардорлик"		16 соат
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси			
Марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар ходимлари.	"Атрофдагилар билан ҳамкорлик кўнилмаларини ривожлантириш"	Ишлаб чиқаришдан айирмаган ҳолда; келишилган график бўйича.	16 соат
	"Коммуникатив касб эгаларида стрессга чидамлиликни ривожлантириш"		8 соат
	"Ходимлар ташаббускорлигини ва уларнинг касбларга мослашувчанлигини ривожлантириш"		12 соат
	"Ташкилотда мижозга йўналтирилганликни ривожлантириш"		16 соат
	"Ходимларда содиқликни ривожлантириш"		16 соат
	"Ташқи муҳитни қабул қилиш"		16 соат
	"Жавобгарликни ва натижага йўналтирилганликни ривожлантириш"		14 соат
	"Ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш"		16 соат

1.8. ЎТКАЗИЛГАН СУҲБАТ АСОСИДА ДХА/ДХМ ВА МАСЪУЛ ТАШКИЛОТЛАР УЧУН HR-СТРАТЕГИЯ

1-бўлим. HR-стратегияни жорий этиш босқичлари.

- Ўрганилган малакаларга мувофиқ ходимлар ёллаш бўйича талаблар ва стандартлар ишлаб чиқиш;
- ДХА/ДХМ ва масъул ташкилотларнинг амалдаги ходимларида ўрганилган малакаларни яхшилаш бўйича тегишли тадбирлар (тренинглар, семинарлар) ташкил этиш ва ўтказиш;
- ДХА/ДХМ ва масъул ташкилотларнинг амалдаги ходимлари малакаларини мунтазам баҳолаш

2-бўлим. HR-стратегия босқичларини татбиқ этиш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари

HR-мақсад	Самарадорлик метрикалари
Ўрганилган малакаларга мувофиқ ходимлар ёллаш бўйича талаблар ва стандартлар ишлаб чиқиш.	<ul style="list-style-type: none"> ■ Жорий таҳлил давомида аниқланган малакалар асосида ДХА/ДХМ ва масъул ташкилотларда лавозимларга даъвогарларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш; ■ Баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш (тестлар, сўровлар) абитуриентларнинг малакалари; ■ ДХА/ДХМ ва масъул ташкилотларда лавозимларга даъвогарлар учун тушунтиришлар, стандартлар ва малакаларга қўйиладиган талабларни ўз ичига олган услубий материаллар ишлаб чиқиш.
ДХА / ДХМ ва масъул ташкилотлар амалдаги ходимларининг ўрганилган малакаларини яхшилаш бўйича тегишли тадбирлар (тренинглар, семинарлар) ташкил этиш ва ўтказиш.	<ul style="list-style-type: none"> ■ Ходимларнинг лавозимларига мувофиқ белгиланган малакалар бўйича ташкилот ичида ва ташқарисида семинар ва тренинглар ўтказиш режаси ва жадвалини ишлаб чиқиш; ■ Аниқланган малакаларни ривожлантириш соҳасида учинчи томон мутахассисларини излаш ва жалб қилиш; ■ Ходимларни ўз мақсад ва вазифаларини тушунтириш орқали семинар ва тренингларга қатнашишга ундаш.
ДХА/ДХМ ва масъул ташкилотларнинг ходимлари малакаларини мунтазам баҳолаш.	<ul style="list-style-type: none"> ■ Аниқланган малакаларни ички экспресс баҳолаш тизимини ишдан айирмаган ҳолда ишлаб чиқиш; ■ Бўлинмалар ходимлари малакаларини баҳолаш натижалари асосида улар билан маслаҳатлар ўтказиш ва малакаларни яхшилаш бўйича улар учун тавсиялар тузиш; ■ Аниқланган малакаларга қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд регламентлар ва лавозим йўриқномаларини тузатиш ва қўшиш.

БЎЛИМ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

ДХА / ДХМ ходимлари малакалари шарҳи (50 киши)



Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси ходимлари малакалари шарҳи (10 киши)



Мақсадли ташкилотлар ва идоралар ходимлари билан ўтказилган суҳбатлар таҳлили натижалари барча респондентларга **самарали мулоқот қилиш ва стрессга чидамлилик қўникмаларини ривожлантиришнинг** паст даражалари хос эканлигини кўрсатди. Шуниси дикқатга сазоворки, касбий фаолият хусусиятидаги фарқлар мазкур малакани баҳолаш натижаларига таъсир кўрсатмади. Бу феномен бевосита респондентларнинг ўзлари томонидан суҳбат ўтказиш жараёнида тилга олинган бир неча жиҳатлар билан боғлиқ. Уларнинг фикрича, улар ўз касбий вазифаларини муваффақиятли бажаришида улар учун жиддий тўсиқлар яратадиган ҳис-туйғулар ва стрессли вазиятларни бошқариш қўникмаларини эгаллашлари зарур. Мичи (2002) маълумотларига кўра иш жойидаги стресс даражасининг ошиши ва натижада стрессга унча чидамли бўлмаслик билан боғлиқ омилларни икки то-

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари малакалари шарҳи



ифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифага касбий фаолият мазмуни билан бевосита боғлиқ бўлган омиллар (ортиқча иш, вақт етишмаслиги, вазифаларнинг мураккаблик даражаси, танаффусларнинг йўқлиги ва меҳнат шароитининг ёмонлиги) киради, иккинчи тоифалар – ишнинг ижтимоий ва ташкилий мазмуну (вазифалар ноаниқ ёки қарама-қарши қўйиш ва жавобгарлик соҳасини тақсимлаш, мансабда юксалиш истиқболлари йўқлиги, ижтимоий имтиёзлар йўқлиги).³ Ушбу омиллар Паниграхи (2016) томонидан ўтказилган иш жойидаги стрессни бошқариш бўйича тадқиқотда ҳам ўз аксини топган (2016).⁴ Хусусан, суҳбат иштирокчилари вазифаларни бажаришнинг белгиланган муддатлари уларнинг иш унумдорлиги имкониятларига мос келмаслиги натижасида вақт етишмаётганини қайта-қайта таъкидладилар. Бундан ташқари, улар кўпинча ўзларининг бевосита масъулияти доирасида бўлмаган вазифаларни бажаришлари кераклигини таъкидладилар. Стрессни бошқариш ва ҳиссий-психологик ҳолатни назорат қилиш методларини ўзлаштириш мақсадли ташкилотлар ходимларига нафақат ўз психологик ҳолатини яхшилаш, балки маънавий-психологик тўсиқларни ва стрессли вазиятлар билан боғлиқ чалғитувчи омилларни енгил ўтиб, касбий фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини беради. Самарали мулоқот қилиш кўникмаларига таъсир этувчи омиллар орасида Раҳмон ва Исмоил (2019) томонидан олиб борилган 2019 йилги тадқиқотда иш жойидаги стрессли вазиятлар, ташкилот ичидағи низолар, лойиҳаларни ёмон режалаштириш ва касбий ортиқча иш келтирилган.⁵ Шундай қилиб, стрессли вазиятлар касбий фаолият жараёнда мулоқот қилиш кўникмаларининг ривожланиш даражасига сабаб-оқибат таъсир кўрсатиши мумкин, деб тахмин қилиш мумкин. Бошқа томондан, инсонга касбий фаолият билан боғлиқ бўлмаган ва самарали мулоқотнинг олдини олувчи ички мажмуналар ва тўсиқлар билан боғлиқ омиллар таъсир қилиши мумкин.

Бошқа томондан, инсонга касбий фаолият билан боғлиқ бўлмаган ва самарали мулоқотга тўсиқинлик қиласидиган ички комплекслар ва тўсиқлар билан боғлиқ омиллар таъсир қилиши

³ Michie, S. (2002). Causes and management of stress at work. Occupational and environmental medicine, 59(1), 67-72.

⁴ Panigrahi, C. M. A. (2016). Managing stress at workplace. Journal of Management Research and Analysis, 3(4), 154-160.

⁵ Rahman, I. A., & Gamil, Y. (2019, August). Assessment of cause and effect factors of poor communication in construction industry. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering (Vol. 601, No. 1, p. 012014). IOP Publishing.

мумкин. Доимий мулоқот билан боғлиқ фаолият соҳасининг талаблари шахсий тўсиқлар билан бирга вазиятни янада ёмонлаштиради ва ходим учун стрессни оширади, шу билан унинг иш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шахслараро самарали ҳамкорлик амалиётини ўзлаштириш нафақат касбий муҳитда мулоқот кўникумаларини оширади, балки ходимнинг ҳиссий ва психологияк ҳолатига ҳам умумий ижобий таъсир кўрсатади.

Давлат хизматлари аппарати, шу жумладан ДҲА марказий аппарати, ДҲА худудий бошқармалари, тажриба ҳудудларидағи ДҲМ ходимлари, шунингдек, Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси вакиллари билан суҳбатлар натижаларининг умумлаштирилган таҳлили **етакчилик хислатлари ва ходимларни қизиқтира олиш, режалаштириш кўникумалари, тафсилотларга эътибор бериш ва ташкилотга содиқлик қобилияти** нисбатан юқори даражада ривожланганигини кўрсатди. Менежмент вакиллари (марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ходимлари ва ДҲМ директорлари, шунингдек, Инспекция марказий аппарати вакиллари) суҳбатлар иштирокчиларининг кўпчилигини ташкил этганилиги туфайли етакчилик ва режалаштириш кўникумалари респондентларнинг иш самарадорлиги учун катта аҳамиятга эга. Раҳбарлар етакчилик хислатларининг юқори даражаси – бу ходимларнинг эҳтиёжларини, ташкилотнинг мақсад ва қадриятларини англаб етиб ва самарали бирлаштириб, ташкилот учун имкониятлар ва таҳдидларни аниқлаш қобилиятидир. Режалаштиришнинг самарадорлиги, ўз навбатида, раҳбариятнинг ташкилот стратегияси ва мақсадларини кўриш ва тушуниш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар белгиланган тартиб-таомилларга қатъий риоя қилиш ва раҳбарлар таркибининг умумий содиқлик даражасига асосланади. ДҲМ операторлари ва ДҲМ билан ишлаш учун масъул Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари вакилларидан иборат оддий ходимлар учун тафсилотларга эътиборлилик ва содиқлик якуний маҳсулот – давлат хизматлари сифатини таъминлайди. Бу ҳолда бутун тузилманинг обрўси операторлар ишининг сифати ва самарадорлигига бевосита боғлиқ. Шунингдек респондентларда ташаббускорлик, мослашувчанлик, янгиликка очиқлик, натижага йўналтирилганлик ва бунинг учун жавобгарлик нисбатан паст даражада ривожланганилиги маълум бўлди. Ушбу малакаларнинг паст кўрсаткичлари юқорида кўрсатилган малакаларнинг ривожланишини анча тенглаштириши мумкин, бу еса ходимларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетишига ва давлат хизматлари тизимининг ривожланиш даражасининг пасайишига олиб келади. Раҳбарлар таркиби ўртасида ташаббускорлик ва очиқлик етишмаслиги бошқарувнинг самаралироқ механизмларини жорий этишга ва давлат хизматлари соҳасини техник қайта жиҳозлашга тўсқинлик қилиши мумкин, ДҲМ операторлари орасида натижга учун масъулиятнинг паст даржаси фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатининг сезиларли пасайишига олиб келиши мумкин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари билан суҳбат натижалари умуман олганда бошқа ташкилотларда олинган натижаларга ўхшаш бўлишига қарамай, айrim малакалар кўрсаткичлари сезиларли даражада паст. Жумладан, ахборотни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш кўникумалари, ишбилармонлик муҳитини тушуниш, ташкилотдаги ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш кўникумалари, шунингдек натижага йўналтирилганлик ва унинг учун жавобгарлик салбий қийматлар чегарасига яқин. Давлат хизматларини кўрсатиш нуқтаи назаридан бундай натижалар ДҲМ орқали тақдим этиладиган ахборот сифати ва тўлиқлигини камайтириш хавфи юқори эканлидан дарак беради. Бундан ташқари, ҳамкаслар билан ҳамкорликнинг паст даражаси хизмат кўрсатишнинг белгиланган муддатларига риоя қилмаслик, вазифалар қўйишда ва уларни амалга ошириш учун жавобгарлик доирасини белгилашда ноаниқликка сабаб бўлиши мумкин. Ишбилармонлик муҳитини тушунишнинг паст даражаси ушбу ташкилот орқали давлат хизматларини кўрсатиш рўйхати ва тартибини янгилаш жараёнига ва тегишли равишда давлат хизматлари соҳасининг умумий иш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

2 | ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

2.1. ДХМ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИШГА МАСЪУЛ БЎЛГАН ТАШКИЛОТЛАРНИ СЎРАБ ЧИҚИШ НАТИЖАЛАРИ

ДХМ ва ташкилотлар ишининг самарадорлигини баҳолаш учун давлат хизматлари-ни кўрсатиш учун масъул ташкилотлар (бэк-офислар) билан суҳбат ва сўровномалар ўтказилди, унда суҳбат иштирокчилари давлат хизмат марказлари билан ҳамкорлик сифатига танқидий баҳо берди ва яхшиланиши керак бўлган ҳамкорлик жиҳатларини қайд этди. Бэк-офислар вакилларини сўраб чиқишида фойдаланилган сўровнома 18 ва 19-сонли иловада берилган.

Фуқаролар томонидан энг кўп фойдаланилдиган хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, энг кўп шикоятлар берилган ташкилотлар рўйхати орасида *Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши хизмати бевосита* ДХМ томонидан кўрсатилади ва аниқ бир масъул ташкилотни назарда тутмайди.

2.1.1. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОШҚАРМАСИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НУРАФШОН ШАҲРИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 мартағи 244-сонли қарори “Болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш тўғрисида ариза бериш” хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосидир. Регламентга асосан болаларни давлат мактабгача таълим муассасалариға қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар Тошкент вилояти мактабгача таълим бошқармасида таклифнинг кескин тақчиллиги шароитида аҳолининг мактабгача таълим хизматига бўлган эҳтиёжи юқори бўлганлиги туфайли бу соҳада қатор муаммолар юзага келмоқда. Масалан, навбатга қўйилган вақтдан бошлаб ва муайян мактабгача таълим муассасасига йўлланма олингунгача 2-3 йилгача вақт ўтиши мумкин. Бу асосан вилоятда мактабгача ёшдаги болалар учун 3 200 га яқин жой мавжуд бўлса, мавжуд мактабгача таълим муассасалари, жумладан, 8 та хусусий мактабгача таълим муассасаси сиғими 1 440 ўринга тенглиги, бу эса вилоятдаги қамров 45 фоизни ташкил этиши билан боғлиқ. Кўпинча мактабгача таълим муассасасига йўлланма олинадиган вақтгача бола мактаб ёшига етади ва аллақачон мактабга бориши керак бўлади. Бундан ташқари, яшаш жойи ўзгарган бўлса, болани бошқа мактабгача таълим муассасасига кўчириш учун янги яшаш жойидаги мактабгача таълим муассасасига йўлланма олиш учун яна навбатда туриш ва йўлланма олиш учун яна навбат кутиш керак.

Қарорга мувофиқ¹ муассаса тарбияланувчилари сафига кирадиган ака-укалари ёки опа-сингиллари бўлган болалар имтиёзли рўйхатга киритилади. Бироқ мактабгача

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 мартағи 244-сон қарори <https://lex.uz/docs/3603407>

таълим муассасасида болани навбатга қўйишда бу омил ҳисобга олинмаслиги ҳақида аҳолидан шикоятлар тушмоқда. Бу имтиёзли навбатда одамлар сони катта бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай қилиб, болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш имтиёзли контингент учун ҳам, умумий шартларда болаларни мактабгача таълим муассасасига жойлаштирадиган аҳоли учун ҳам узоқ муддатли тартиб-таомил ҳисобланади.

Навбатга қўйиш тизими мактабгача таълим муассасасида ака-укалар/опа-сингиллар борлигини ҳисобга олмайди.

Йўлланма олишдан олдин фуқаролар тезлаштириш ёки бундай узоқ кутишнинг сабабини билиш учун вилоят мактабгача таълим бўлимига келади. Фуқаролар, одатдаги-дек, бу хизмат Мактабгача таълим вазирлигининг бўлимлари ёки мактабгача таълим муассасаси мудирлари томонидан тақдим этилади, деб ҳисоблайди. Аслида мактабгача таълим муассасасидаги бўш жойлар сони мактабгача таълим муассасасининг ўзи томонидан белгиланади ва ушбу маълумотлар davxizmat.uz тизимида киритилади, у ердан ДХМ ходимлари бўшаган жойлар тўғрисида ахборот олади ва навбатга кўра мактабгача таълим муассасасига кўрсатмалар беради. Шунингдек, баъзан ДХМ ходимлари текширмайдилар ва тизим бўйича мактабгача таълим муассасасидаги бўш жойлар тўғрисида фойдаланувчиларни хабардор қилмайдилар, бу эса навбатларнинг чўзишишига сабаб бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, вилоят мактабгача таълим бошқармаси ходимлари OpenEMIS дастуридан фойдаланадилар, бу уларнинг фикрича, фойдаланиш ва мактабгача таълим муассасасида бўш жойларни кузатиб бориш учун қулайроқдир.

Техник нуқтаи назардан, ота-оналар бир вақтнинг ўзида иккита болани (масалан, Фотима ва Зуҳра эгизакларни) навбатга қўйганда қатор муаммолар юзага келади ва фақат битта болага йўлланма берилади. Ёки кўпинча ДХМ ходимлари базага боланинг Ф.И.О. ни ёзишда грамматик хатоларга йўл қўяди, бу эса давлат хизматларидан фойдаланувчилар учун қўшимча ноқулайликлар туғдиради. Бундан ташқари, ота-оналарга (ариза берувчиларга) йўлланмалар тайёрлиги тўғрисида хабар беришда ДХМ ходимлари томонидан алоқа рақамларини киритишида техник хатолар аниқланади ва/ёки ота-оналар (ариза берувчилар) кутиш вақтида алоқа рақамларини ўзгартирадилар, чунки ариза юборилган пайтдан йўлланма олишгача узоқ вақт ўтади.

Шунингдек, ота-оналар (ариза берувчилар) кўпинча ушбу хизмат учун тўлов миқдоридан норози бўлади. Вилоят мактабгача таълим бўлими ходимининг фикрича, болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш учун ота-оналар (ариза берувчилар) 22 минг сўм, шунингдек йўлланманинг ўзини олганда 22 минг сўм тўлайдилар. Бу фуқароларнинг, айниқса, кам таъминланганларнинг норозилигига сабаб бўлади.

Бэк-офис шароитига келсак, муассаса ҳозирча вақтинчалик бинода жойлашган, ДХМ аризалари билан ишлайдиган ходим учун алоҳида хона, сканер ва принтер йўқ. ДХМ билан ишлайдиган ходимга, бу лавозим учун алоҳида штат бирлиги тайинланмаганига қарамай, қўшимча ходим тайинлашнинг ҳожати йўқ. Санаб ўтилган шартлар мазкур хизмат кўрсатишни такомиллаштириш учун муҳимдир.

Тавсиялар сифатида ушбу хизматни кўрсатиш тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш ва аҳоли орасида давлат хизматлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, Мактабгача таълим вазирлиги бўлимлари ва ДХМ ўртасида янада самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида йўлланмалар беришда фуқаролар мактабгача таълим муассасасига йўлланма олмагунча ўзаро қайта йўлланмалар берилишининг олдини олиш учун ДХМ ва ташкилотлар ходимларининг лавозим вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш керак.

Бундан ташқари, чекка ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларини, шу жумладан, қисқа муддатли гурухларни кўпайтириш бўйича қатор таклифлар киритиш ва чора-тадбирлар кўриш таклиф этилмоқда. Талабни қондириш учун нодавлат мактабгача таълим муассасаларини давлат-хусусий шериклик асосида қуриш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

2.1.2. ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НУРАФШОН ШАҲРИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 18 майдаги 370-сон қарори "Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) бўйича лойиҳала-смета ҳужжатларини тасдиқлаш" хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Якка тартибдаги уй-жой қурилишининг (ЯУҚ) лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш шаҳарлар (туманлар) қурилиш бўлимлари – ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Мазкур давлат хизматини кўрсатганлик учун энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Нурафшон шаҳри қурилиш бўлими ходими билан сўхбат чоғида уларга хизмат кўрсатиш учун алоҳида хоналар, компьютер, принтер, Интернет, штат бирликлари каби барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлиги маълум бўлди. Бўлимга ДХМдан кунига камида 5 та ариза тушади, бу жуда оздир, чунки бўлимнинг ўзида 20 дан ортиқ киши ишлайди. Ушбу хизматни кўрсатиш муддати 3 иш куни бўлиб, ушбу муддатда ваколатли орган ЯУҚнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишади ёки рад этишнинг аниқ сабаблари ва қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда келишишни рад этади.

Аризалар кам бўлишига қарамай, аслида обьект миқдори ва ҳажмидан келиб чиқиб, кўпинча хизматларни кўрсатишга кўпроқ вақт ажратишга тўғри келади, бу эса давлат хизматларидан фойдаланувчиларнинг норозилигини келтириб чиқаради. Ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг давлат хизматларидан фойдаланувчилар уларни қайта ишлаш учун қўшимча вақт сўрайдилар, бу эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган хизмат кўрсатиш муддатлари бузилишига олиб келади ва мурожаатлар белгиланган муддатда бажарилмайди.

Шунингдек, шахсан мурожаат қилганда Давлат хизматлари марказлари сўровнома тўлдирган пайтдан бошлаб бир соат ичида у ваколатли органга юборилишини, ЯИДХП орқали мурожаат қилганда сўровнома автоматик равишда ваколатли органга юборилишини таъкидлаш керак.

"ЯУҚ (реконструкция) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш" хизматини кўрсатиш бўйича ваколатли органларнинг янада самарали ишлаши учун хизмат кўрсатиш учун белгиланган муддатларни обьектнинг миқдорлари ва ҳажмларига қараб қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Шунингдек, аризани келишишнинг барча босқичларида аризанинг мақомини текшириш имкониятини таъминлаш учун реал вақт режимида унинг ҳолатини масофадан мониторинг қилишни таъминлаш тавсия этилади.

2.1.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ПСИХОНЕВРОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НУРАФШОН ШАҲРИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат тиббиёт муассасалари томонидан фуқароларга маълумотномалар бериш тартибини янада соддалаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 январдаги 18-сон қарори “Психоневрология диспансерида ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш” хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқорининг 2 фоизи миқдорида йиғим ундирилади (ногирониги бўлган шахслар ва давлат томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланадиган фуқаролар учун хизмат бепул кўрсатилади). ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда йиғим белгиланган сумманинг 90 фоизи миқдорида ундирилади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Масъул ташкилот ходимининг сўзларини инобатга олган ҳолда, ушбу хизмат бўйича кунига ўртacha 300 дан ортиқ ариза тушади. Хизмат кўрсатиш жараёнида масъул ходим ДХМ ходимлари билан ўртacha 1 марта боғланади. Айни пайтда масъул ташкилотнинг 2 ходими аризаларни кўриб чиқиш билан шуғулланмоқда, бироқ алоҳида штат бирлиги ажратилмаган, бу эса ушбу ходимларнинг асосий иш вазифалари бўйича самарадорлигига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ташкилот хизматни ўз вақтида кечикмай кўрсатиш учун ўз ходимларини асосий вазифаларидан озод қилиб, қўшимча равишда жалб қилишга мажбур бўлади. ДХМдан тушадиган аризалар учун жавоб берадиган камида 2 та штат бирлигини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, my.gov.uz сайтида кўрсатилганидек², хизмат кўрсатиш муддати 1 иш кунини ташкил этади. Бироқ ушбу хизмат кўрсатиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ³ хизмат кўрсатиш муддатлари “реал вақт режимида” кўрсатилган, яъни ушбу хизматни кўрсатиш учун аниқ вақт белгиланмаган. Кирувчи аризаларнинг кўплиги ва хизмат кўрсатиш учун номаълум вақт оралиғини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролардан хизмат кўрсатиш муддатлари тўғрисида шикоятлар тушмоқда. Шу муносабат билан, хизмат кўрсатиш муддатларига доир регламентта тузатишлар киритиш ва / ёки my.gov.uz сайтида “Хизмат кўрсатиш муддати” бўлимини ўзгартириш зарур.

Оптик-толали Интернет ўтказилганидан кейин масъул ташкилот ходимлари қисқа муддат ичида аризаларни ёпишни бошладилар. Шунга қарамай, техник қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ташкилотда ДХМдан тушадиган аризаларини кўриб чиқиш учун компьютерлар етишмайди, бу эса хизмат кўрсатиш тезлигини пасайтиради. Шу сабабли ушбу ташкилотнинг моддий-техник жиҳозланишига эътибор қаратиш, шунингдек ташкилотни сканерлар ва принтерлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

2.1.4. НАРКОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НУРАФШОН ШАҲРИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат тибиёт муассасалари томонидан фуқароларга маълумотномалар бериш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 январдаги 18-сон қарори “Наркология диспансерида ҳисобда туриш ёки турмаслик тўғрисида маълумотнома олиш” хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқорининг 2 фоизи миқдорида йиғим ундирилади (ногиронлиги бўлган шахслар ва давлат томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланадиган фуқаролар учун хизмат бепул кўрсатилади). ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда йиғим белгиланган сумманинг 90 фоизи миқдорида ундирилади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Масъул ташкилот ходими билан суҳбат чоғида ушбу вазифани тезкорлик билан бажариш учун ташкилотда инфратузилма етарли эмаслиги, масалан, юқори тезлиқдаги Интернет алоқаси, ишлайдиган компьютер йўқлиги ва тез-тез электр таъминотидаги узилишлар аниқланди. Кунига ДХМдан тушадиган аризалар кўплиги туфайли (ўртacha 250-300) юқори юкламани ҳисобга олган ҳолда, ходим барча иш вақтини

² <https://my.gov.uz/ru/service/view/334>

³ <https://lex.uz/docs/4693529#4697356>

аризаларни кўриб чиқишига сарф қилиши керак. Ходимнинг сўзларига кўра ДХМдан тушадиган аризалар учун масъул бўлган штат ходими учун 0,5 ставка ажратилган. Аслида хизматни ўз вақтида кўрсатиш учун ходим ҳатто тўғридан-тўғри касбий вазифаларига зиён етказган ҳолда ишдан ташқари вақтда ишлашига тўғри келади, шунинг учун ставкани ошириш ёки аризаларни кўриб чиқиш учун қўшимча штат бирлигини ажратиш керак.

Бундан ташқари, “Наркология диспансерида ҳисобда туриш ёки турмаслик тўғрисида маълумотнома олиш” хизматига ўхшаш тарзда [my.gov.uz](https://my.gov.uz/service/view/338) сайтида⁴ хизмат кўрсатиш муддати 1 иш куни ичида, регламент бўйича эса “реал вақт режими”да деб кўрсатилган⁵, бу хизмат кўрсатишнинг белгиланган муддатида номувофиқликни келтириб чиқаради. Амалда муддат 1-2 иш кунини эгаллайди.

Мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ташкилотнинг ички инфратузилмаси билан бир қаторда моддий-техник базаси ва техник жиҳозланишига эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари, аризаларга жавоб бериш вақтини оптималлаштириш учун масъул ходимнинг қуидаги икки йўналиш бўйича вазифаларни бирга бажариш имкониятларидан келиб чиқиб, унинг вазифаларини қайта кўриб чиқиш зарур: унинг асосий вазифалари ва ДХМдан тушадиган аризаларга жавоблар бериш бўйича ва тегишли равишда ушбу ходимнинг иш ҳажмини тўлиқ акс эттирадиган ставкани тайинлаш.

2.1.5. ЕР ТУЗИШ ВА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТРИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХОВОС ТУМАНИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сонли қарори “Кадастр паспортини расмийлаштириш” хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Кадастр паспортини тайёрлаш обьектнинг мураккаблигига қараб қуидаги муддатларда амалга оширилади:

		Ижро муддати (иш кунлари)
а) кўчмас мулкнинг турар жой қисми бўйича:	Кўп қаватли уйдаги квартира	3 гача
	Якка тартибда жойлашиш	5 гача
	Умумий майдони	
б) кўчмас мулкнинг турар-жой бўлмаган биноларига тааллуқли қисми бўйича:	100 кв.м.	5 гача
	100 кв.м. – 1 000 кв.м.	7 гача
	1000 кв.м. – 5 000 кв.м.	10 гача
	5 000 кв.м. – 15 000 кв.м.	15 гача
	15 000 кв.м. – 50 000 кв.м.	20 гача
	50 000 кв.м. дан ортиқ	25 гача
в) ажратилган эр участкаларида		3 гача

Кадастр паспортини олиш учун ариза берувчи Давлат хизматлари марказига шахсан мурожаат қилиши ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (кейинги ўринларда – ЯИДХП) электрон шаклда ариза юбориши керак. Сўровга кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Юридик ва жисмоний шахслар, кўчмас мулк эгалари ушбу хизматдан фойдаланувчилар ҳисобланади.

⁴ <https://my.gov.uz/service/view/338>

⁵ <https://lex.uz/docs/4693529#4697471>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши тартибини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сонли қарори асосида "КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ" хизмати кўрсатилади. Ушбу хизматни кўрсатиш муддатлари 2 иш кунини ташкил этади. Хизмат нархи рўйхатдан ўтказиладиган обьект турига қараб базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача фарқ қиласди. Ушбу хизматдан фойдаланиш учун фойдаланувчи ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қиласди. Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиши тўғрисидаги аризани топшириши керак. Шундан сўнг сўров рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади. Мазкур орган кўчмас мулк объектини давлат рўйхатидан ўтказиши тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини текширади ва рўйхатдан ўтказади ҳамда бож миқдори тўғрисида ахборотни ДХМга ёки ЯИДХП орқали юборади. ДХМ ёки ЯИДХП реал вақт режимида тўлов амалга оширилганидан сўнг реестрандай кўчирмани юклаб олади ва ариза берувчининг сўровига биноан унга электрон ёки босма шаклда кўчирма беради.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси филиали ходими билан суҳбат давомида моддий-техник таъминотда камчиликлар аниқланмади. Ташкилот янги бинода жойлашган, компьютерлар етишмаслиги, Интернетга уланиш ва ички инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга дуч келмайди. Бироқ суҳбат давомида ушбу хизматни кўрсатишга масъул бўлган ДХМ ходимлари ҳужжатларни тайёрлаш ва ушбу масъул ташкилотга топшириш жараёнида хатоларга йўл қўйганликлари аниқланди. Бундан ташқари, ташкилот вакили кадастри паспортини бериш хизматини кўрсатиш бўйича белгиланган регламентда кутилмаган ҳолатлар ва / ёки техник сабабларга кўра кечикишлар юзага келиши, натижада хизматни баъзида ўз вақтида кўрсатиш мумкин эмаслиги ҳисобга олинмаслигини таъкидлади. Шу муносабат билан техник кечикишларни ҳисобга олган ҳолда регламентда белгиланган ушбу хизматни кўрсатиш муддатларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Респондент, умуман олганда, туман ДХМ ходимларининг малакалари ва муассасалар ўртасида ахборот алмашиб жараёни самарадорлигини ижобий баҳолади. Ташкилот вакили, шунингдек, давлат хизматларидан фойдаланадиган ходимларга масъул ташкилот устидан шикоят тушмаслигини таъкидлади. ДХМ орқали тушган аризага жавоб беришнинг ўртacha вақти 4-5 иш куни.

2.1.6. "ЎЗСУВТАМИНОТ" АЖ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХОВОС ТУМАНИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиши ва ўрнатиши бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 20 августдаги 698-сон қарори "Ичимлик суви ҳисоблагичини текшириши (шу жумладан, олиб ташлаш ва ўрнатиши)" хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. "Ўзсувтаминоят" АЖ ушбу хизматни кўрсатиш учун масъул ташкилот ҳисобланади. Белгиланган регламентга мувофиқ ушбу хизматни кўрсатиш муддати 14 иш кунини ташкил этади. Жисмоний шахслар учун хизмат нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 18 фоизини ва юридик шахслар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,35 бараварини ташкил этади. Бироқ ДХМ орқали шахсан мурожаат қилинганда ушбу хизмат нархи жисмоний ва юридик шахслар учун тегишли равишда базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизини ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараварини ташкил этади. Ушбу ташкилотнинг жавобгарлик соҳасига қуйидаги хизматлар киради: "Сув таъминоти ва сув чиқариши тармоқларига уланиши учун техник шартлар-

ни олиш", "Сув таъминоти ва сув чиқариши лойиҳасини келишиши", "Совуқ сувни ўлчаши мосламасини (ҳисоблагични) ўрнатиши ва олиб ташлаши учун ариза бериши", "Сув ўлчаши мосламасини муҳрлаши, сув таъминоти ва сув ажратиши хизматларини кўрсатиши учун шартнома тузиш" ва "Совуқ сувни ўлчаши мосламасини (ҳисоблагични) ўрнатиши ва олиб ташлаши учун ариза бериши"

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. ДҲА расмий статистик маълумотларига кўра ушбу хизмат Сирдарё вилоятида энг оммабоп хизматлардан бири ҳисобланishiiga қарамай, Ховос туманининг ўзида фойдаланувчилар ушбу хизматдан камдан-кам фойдаланадилар. "Ўзсувтамишот" АЖ вакилининг сўзларига кўра бунга кўчмас мулк соҳасида хусусий турар жойларнинг (ер участкаларининг) кўплиги сабаб бўлган. Ташкилот вакили таъкидлаганидек, фойдаланувчилар учун уйда яшовчилар сонига қараб ичимлик суви таъминотига ҳақ тўлаш фойдалари оқ. Бироқ ташкилот ходимишот таъкидлашича, кўп қаватли уйларнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан айни вақтда ушбу хизматнинг оммабоплиги аста-секин оша бошлади. Шунингдек, ташкилот ходимишот сўзларига кўра "Сув таъминоти ва сув чиқариши тармоқларига уланиши учун техник шартларни олиш" ҳамда "Сув таъминоти ва сув чиқариши лойиҳасини келишиши" ДҲМ орқали фойдаланувчилардан тушадиган энг оммабоп хизматлар ҳисобланади. Иш шароитлари ва моддий-техник жиҳозлар билан боғлиқ ҳеч қандай шикоят аниқланмади. Ҳозирда ташкилотга ДҲМдан кунига ўртача 5 тадан кам ариза тушмоқда. Тушаёт аризага жавоб беришнинг ўртача вақти 2-3 иш кунини ташкил этади. Ташкилот ходимидан бирининг сўзларига кўра ДҲМ билан ишлаш жараёнида у ҳеч қандай салбий ҳолатларга дуч келмаган, бироқ ДҲМ ходимлари ушбу масъулиятли ташкилот устидан фуқаролардан шикоятлар тушаётганлиги ҳақида хабар берадиганлигини таъкидлади. Бугунги кунга келиб, ушбу ташкилотнинг 2 нафар ходими ДҲМдан тушадиган мурожаатларни кўриб чиқиш билан шуғулланади ва штат бирлигини кўпайтиришга ҳожат йўқ. Ташкилот ходими ДҲМнинг ушбу ташкилот билан боғлиқ хизматларни кўрсатишига масъул ходимлари малакали эканликларини, ахборот тез ва тўлиқ шаклда қабул қилинишини, бироқ ушбу ташкилот юрисдикциясидаги аксарият хизматларни кўрсатиши регламентида белгиланган муддатлар жуда қисқалигини таъкидлади. Техник ва вақт талабларини, шунингдек техник сабабларга кўра кечикиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда юқорида кўрсатилган хизматларни тақдим этишнинг амалдаги муддатларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

2.1.7. ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХОВОС ТУМАНИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғрисида" 1997 йил 11 мартағи 130-сон қарори ҳамда "Давлат солиқ хизмати соҳасида давлат хизматлари кўрсатишининг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 13 октябрдаги 823-сон қарори "Жисмоний шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СИН) олиш" хизматини кўрсатишининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон шаҳарлари ва туманлари давлат солиқ инспекциялари ушбу хизматни кўрсатиши учун масъул ташкилотлар ҳисобланади. Хизмат бепул кўрсатилади. Ундан фойдаланиш учун сиз сўровномани тўлдириш керак.

"Электрон рақамли имзо (ЭРИ) олиш" хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан турб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиши ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериши бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида" 2018 йил 10 майдаги 348-сон қарори асосида тақдим этилади. ЭРИ калит сертификатини берган-

лик учун жисмоний шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 фоизи миқдорида йиғим олинади. ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш ва ЭРИ калит сертификатларини олиш учун жисмоний ва юридик шахслар ДХМга тўғридан-тўғри ёки электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси давлат хизматларининг ягона интерактив портали ёки расмий ахборот манбаи орқали мурожаат қиласидилар. Ваколатли органнинг ахборот тизимида сўровномани кўриб чиқиш натижалари бўйича электрон ҳужжат шаклидаги ЭРИ калит сертификати ариза берувчига Ягона портал ёки расмий ахборот ресурси орқали ва давлат хизматлари марказларига электрон идоралараро алоқа орқали юборилади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Ташкилот вакиллари билан суҳбатлар пайтида улар ДХМ билан ишлаш жараёнида салбий жиҳатларни қайд этмадилар. Бироқ инспекция ходимлари мазкур ташкилот юрисдикциясидаги ва ДХМ орқали тақдим этиладиган хизматларнинг амалдаги рўйхатини қайта кўриб чиқиши таклиф қилдилар. Уларнинг фикрича, ДСИ томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар ДХМга берилиши керак, бу эса фуқароларнинг ДСИга ташрифлари сонини камайтиради ва фуқаролар учун қулайроқ бўлади. Шунингдек, СТИР ва ЭРИ олиш ДХМ орқали тақдим этиладиган энг машҳур хизматлардан бири эканлигини ва бугунги кунда фойдаланувчилар ушбу хизматларни онлайн (масофадан туриб) олиш имкониятига эга эканлигини инобатга олган ҳолда, онлайн шаклда фойдаланиш мумкин бўлган хизматлар рўйхати тўғрисида аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш керак. Бундан ташқари, инспекция ходимлари фойдаланувчилар Интернетга уланиш сифатсизлиги ва доимий ишламаслиги сабабли ушбу хизматлардан фойдаланиш учун ДХМга тез-тез мурожаат қилишга мажбур бўлишларини таъкидладилар. Бундан ташқари, солиқ инспекцияси ходимлари баъзида фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва масъул ташкилотга сўров юбориш билан шуғулланадиган ДХМ операторлари ариза берувчининг шахсий маълумотларини тўлдиришда хатоларга йўл қўядилар, бу эса давлат хизматлари фойдаланувчиларини ДХМга қайта мурожаат қилишга мажбур қиласиди. Уларнинг фикрича, кўпинча бундай муаммолар СТИР беришда пайдо бўлади. Шу муносабат билан ДХМ ходимларининг саводхонлиги ва дикқат-эътиборли бўлишига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, йўл қўйилган хатоларни тезлиқда тузатиш тизимини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

2.1.8. ИИБ АХБОРОТ МАРКАЗИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 4 октябрдаги 797-сон қарори “Судланмаганлиги (судланганлиги) тўғрисида маълумотномалар олиш учун ариза бериш” хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Давлат хизматларини кўрсатиш учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади ва 2 иш куни ичида амалга оширилади. Регламентга биноан ушбу хизмат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазиригининг тезкор маълумотнома бошқармалари ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тақдим этилади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ички ишлар бошқармаси ходимининг сўзларига кўра ушбу хизматдан фойдаланиш учун кунига 20 дан ортиқ ариза қабул қилинади. Хизматларни ўз вақтида кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган, штат бирлигини кўпайтиришга ҳожат йўқ. Шунингдек, ҳеч бир салбий ҳолат кузатилмаяпти. Шунингдек, ИИБ ходимининг сўзларига кўра ушбу хизматни кўрсатиш билан боғлиқ вазият анча яхшиланган, шунинг учун ДХМ орқали сертификат олиш фуқаролар учун анча қулайдир. Илгари ушбу хизматдан фойдаланувчилар ИИБга келиб, навбатда туришлари керак эди, бу эса бир қатор ноқулайликларни кел-

тириб чиқарар эди. Бундан ташқари, ДХМ орқали хизматларни кўрсатиш ИИБ ходимларининг иш ҳажмини камайтиришга хизмат қилади, бу эса уларнинг асосий хизмат фаолиятига фойдали таъсир кўрсатади.

Айни пайтда ариза берувчилар шахсан ўзлари ДХМга мурожаат қилишлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин. Биринчи ҳолатда Давлат хизматлари марказининг ходими ариза берувчининг номидан электрон шаклда ариза тўлдиради. Ушбу хизматдан ЯИДХП орқали электрон шаклда фойдаланганда ариза берувчи сўралган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда аризанинг электрон шаклини мустақил рационалистика тўлдиради. Тавсия сифатида ушбу хизматни ЯИДХП орқали электрон шаклда олиш имконияти тўғрисида аҳолининг хабардорлигини оширишни таклиф қилиш ўринли.

[2.1.9. "МИНТАҚАВИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АЖ \(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ДЕҲҶОНОБОД ТУМАНИ\)](#)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 31 марта 256-сон қарори "20 кВт дан ортиқ электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш" хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Хизматдан электрон шаклда фойдаланилганда унинг нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 9 фоизини, Давлат хизматлари марказлари орқали шахсан мурожаат қилинганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизини ташкил этади. Хизмат кўрсатишнинг белгиланган муддати – 3 иш куни.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Туман электр тармоғи ходими билан суҳбат чоғида ушбу хизматни кўрсатиш муддати 5 иш кунидан 3 иш кунига қисқартирилганлиги аниқланди. Муассасага кунига ўртача 5-10 та ариза тушади, шунинг учун штат бирликлари сонини кўпайтиришга ҳожат йўқ. Шунингдек, ДХМдан тушадиган аризаларни кўриб чиқишига масъул бўлган ходим учун алоҳида хона каби шароитлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Ходим сканер, принтер ва компьютер билан таъминланмаган. Шунингдек, Интернет алоқасига эътибор бериш керак, ходим Интернетга уланмаган ва айни пайтда Интернет тезлиги жуда паст, бу ушбу хизматни самарали тақдим этиш учун тўсиқ бўймоқда. Бундан ташқари, ташкилот ходимлари учун оддий шароитлар, жумладан меҳнатни муҳофаза қилишнинг асосий шартларидан бири бўлган қишида иситиш тизими яратилмаган.

[2.1.10. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ \(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ДЕҲҶОНОБОД ТУМАНИ\)](#)

Фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги 327-сонли қарори асосида "Бола туғилганда бир марталик нафақа олиш" давлат хизмати кўрсатилади. Хизмат фойдаланувчиларга бепул тақдим этилади. Бунинг учун фуқаролар ЯИДХП ёки Давлат хизматлари маркази орқали фуқаролик паспортининг ва боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхаси тақдим этган ҳолда ариза беришлари, сўнгра Халқ банкининг тегишли филиалига фуқаролик паспортининг асл нусхаси билан мурожаат қилиб, нафақа олишлари керак. Ушбу хизматни кўрсатиш регламентига кўра бу 5 дақиқадан иборат. Ижобий жавоб бўлса, ваколатли орган тўлов ҳисобварақларини шакллантиради ва фойдаланувчи ДХМда тўловларни қачон ва қаерда олиши мумкинлиги тўғрисида ахборот юборади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Ушбу масъулиятли ташкилот ходимларининг фикрича, давлат хизматларини янада самарали ва сифатли кўрсатиш учун бюджет-

дан ташқари Пенсия жамғармаси ва ДХМ ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш зарур. ДХМ ташкилоти вакилларининг сўзларига кўра ДХМ операторлари кўпинча Пенсия жамғармаси томонидан тақдим этилган ахборотни ўз вақтида киритмайдилар, натижада тўловлар кечикирилади ва ушбу хизматдан фойдаланиш учун ариза берувчилар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олишда ноаниқликлар юзага келади. Респондентлар, шунингдек, ДХМ ходимлари масъул ташкилотга сўров юборишида хатоларга йўл қўйишини таъкидладилар. Маълумотларни қайта ишлаш сифати ва тезлигини ошириш мақсадида фойдаланиладиган дастурий таъминотни пухта мониторинг қилиш, шунингдек, давлат хизматларидан фойдаланувчилар маълумотларининг маълумотлар базасига ўз вақтида ва тўғри киритилишига тўсқинлик қиласидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш тавсия этилади. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва ДХА ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш зарур. Шунингдек, ташкилот ходимлари ушбу жараёнда Пенсия жамғармаси иштирокисиз тўғридан-тўғри ДХМ орқали пенсия ва нафақалар беришни ташкил қилишни таклиф қилдилар.

2.1.11. МИНТАҚАЛАР ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БАХМАЛ ТУМАНИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 30 июлдаги 636-сон қарори "Йўловчиларни ва юкларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро ташиш учун лицензия" хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Лицензия ва лицензия варақаларини олиш учун ариза берувчи шахсан ДХМга мурожаат қилиши ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтиши керак. ДХМ ёки ЯИДХП орқали сўровнома тўлдиргандан сўнг сўров Транспорт вазирлигига юборилади. Транспорт вазирлиги ариза берувчининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини текширгандан сўнг бир иш куни ичидан ариза берувчининг электрон рақамли имзоси келтирилган QR-код билан ҳимояланган лицензия / лицензия бланкасини беради. Хизмат нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 90 фоизини ташкил этади (Давлат хизматлари марказлари орқали шахсан мурожаат қилинганда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари). Лицензия варақаларини бериш учун давлат божини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда амалга оширилади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Ушбу ташкилот вакиллари билан суҳбат чоғида ДХМ ходимлари масъул ташкилотга аризани расмийлаштиришда кўпинча хатоларга йўл қўйишилари (нотўғри маълумотларни киритишлари), натижада ариза берувчиларнинг маълумотлари ташкилотга нотўғри шаклда тушиши қайд этилди. Шу муносабат билан, ушбу ташкилотнинг масъулият соҳаси билан боғлиқ аризаларни кўриб чиқувчи ДХМ операторларининг касбий тайёргарлик даражасига эътибор қаратиш тавсия этилади.

Масъул ташкилот ходимларининг фикрича, юк ва йўловчилар ташишни лицензиялаш билан боғлиқ хизматлардан фойдаланиш учун ДХМга мурожаат қилган фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ташиш учун тендерларда иштирок этишни истаган ташувчилардан тендерлар аризаларини ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш функциясини ДХМ юрисдикциясига ўтказиш тавсия этилади.

Масъул ташкилот ходимларининг фикрича, юк ва йўловчилар ташишни лицензиялаш билан боғлиқ хизматлардан фойдаланиш учун ДХМга мурожаат қилган фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ташиш учун тендерларда иштирок этишни истаган ташувчилардан тендерлар аризаларини ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш функциясини ДХМ юрисдикциясига ўтказиш тавсия этилади.

2.1.12. "ХУДУДГАЗТАЪМИНОТ" АЖ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БАХМАЛ ТУМАНИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 20 августдаги 698-сон қарори "Табиий газ ҳисоблагичларини текшириш (шу жумладан, олиб ташлаш ва ўрнатиш)" хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Давлат хизматлари марказлари орқали шахсан мурожаат қилинганда хизмат кўрсатиш нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизини ташкил қиласди (ЯИДХП портали орқали электрон хизматдан фойдаланганда жисмоний шахслар учун хизмат нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 18 фоизини ташкил этади). Юридик шахслар учун Давлат хизматлари марказлари орқали шахсан мурожаат қилинганда нарх базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараварига тенг бўлади (ЯИДХП орқали хизматдан фойдаланганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,35 бараварини ташкил этади). Регламентга кўра ушбу хизмат 15 иш куни ичида тақдим этилади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Жиззах вилояти Бахмал тумани "Худудгазтаъминот" АЖ бошқармаси ходими билан сұхбат чоғида ташкилотга кунига ўртача 5-10 та ариза тушиши ва ушбу хизматни кўрсатиш вақтида ходим одатда ДХМ ходими билан бир марта боғланиши аниқланди. Ўртача хизмат 2 иш куни ичида кўрсатилади ва ҳозирда хизмат кўрсатиш муддати кечикиши кузатилмаяпти. Моддий-техник база, жумладан, Интернет, жиҳозлар ва иш шароитлари тўғрисида шикоятлар йўқ.

2.1.13. "ХУДУДГАЗТАЪМИНОТ" АЖ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БАХМАЛ ТУМАНИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 31 марта 256-сон қарори "1,2 МПа дан юқори бўлмаган босим билан газ тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш" хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ушбу хизмат 3 иш куни ичида тақдим этилиши керак. Давлат хизматлари марказлари орқали шахсан мурожаат қилинганда нарх базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизини, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 9 фоизини ташкил қиласди.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. "Худудгазтаъминот" АЖ "1,2 МПа дан юқори бўлмаган босим билан газ тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш" ва "Табиий газ ҳисоблагичларини текшириш (шу жумладан, олиб ташлаш ва ўрнатиш)" хизматларини кўрсатиш учун масъул ташкилот бўлганлиги боис мавжуд муаммолар олдинги 4.13-банд билан бир хил. Таъкидланганидек, "1,2 МПа дан юқори бўлмаган босим билан газ тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш" хизматини кўрсатиш муддати 3 иш кунини ташкил этади, бу эса баъзи ҳолларда ушбу хизматни кўрсатиш учун етарли бўлмайди. Мазкур хизматни кўрсатиш муддатларини қурилиш турига қараб қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

2.1.14. ФХДЁ ФИЛИАЛИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БАХМАЛ ТУМАНИ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва нотариал органлар соҳасида ҳамда расмий ҳужжатларга апо-

стиль қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 15 февралдаги 134-сон қарори “Фуқаролик ҳолати дадолатномаларини ёзиш органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш” хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Регламентга мувофиқ давлат хизматлари ФХДЁ органлари томонидан Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади. Давлат хизматлари марказлари ва ФХДЁ бўлимлари ўртасида ахборот алмашиб фақат идораларро электрон алоқа орқали электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) албатта қўллаган ҳолда амалга оширилади. Давлат хизматларини кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида йиғим олинади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Жиззах вилояти Бахмал тумани ФХДЁ АЖ бўлими ходими билан суҳбат чоғида ташкилотга қунига ўртacha 5-10 та ариза тушиши ва ушбу хизматни кўрсатиш вақтида ходим ДХМ ходими билан одатда 2-3 марта боғланиши аниқланди. Ўртacha хизмат 2-3 иш куни ичида кўрсатилади ва ҳозирда хизмат кўрсатиш муддатлари бўйича кечикиш кузатилмаяпти. Моддий-техник база, жумладан, Интернет, жиҳозлар ва иш шароитлари тўғрисида шикоятлар йўқ

[2.1.15. СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ \(СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САРИОСИЁ ТУМАНИ\)](#)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 декабрдаги 773-сон қарори “Жисмоний шахслар учун ЭРИ олиш” хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ушбу давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан тақдим этилади. Регламентга мувофиқ ушбу хизматни кўрсатиш муддатлари 1 иш кунини ташкил этади. ЭРИ калит сертификатини бериш учун жисмоний шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 фоизи миқдорида йиғим олинади.

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманиндағи давлат солиқ инспекцияси ходими билан суҳбат чоғида қунига ўртacha 10-20 та ариза тушиши аниқланди. Хизмат кўрсатиш жараёнида инспекция ходими ўртacha бир маротаба ДХМ операторига мурожаат қиласи ва алоқа вақтида салбий ҳолатларга дуч келмади. Ўртacha хизмат 1 иш кунида кўрсатилади ва ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш муддатлари бўйича кечикиш кузатилмаяпти ва қўшимча штат бирлигини ажратишга зарурат йўқ. Моддий-техник база, жумладан, Интернет, жиҳозлар ва иш шароитлари тўғрисида шикоятлар йўқ

[2.1.16. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ПАЛАТАСИННИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ \(СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САРИОСИЁ ТУМАНИ\)](#)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши тартибини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза бериш” хизматини кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ушбу хизматни кўрсатиш муддати 2 иш кунини ташкил этади. Хизматни тақдим этиш нархи Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини таомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорининг иловасига мувофиқ амалга оширилади

IV. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ва улар билан тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш

4.1.	Жисмоний шахсларнинг умумий майдони 100 квадрат метргача бўлган туар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 1,25 баравари
4.2.	Жисмоний шахсларнинг умумий майдони 101 квадрат метрдан 300 квадрат метргача бўлган туар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 2,0 баравари
4.3.	Жисмоний шахсларнинг умумий майдони 301 квадрат метрдан ортиқ бўлган туар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 3,0 баравари
4.4.	Юридик шахсларнинг туар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 5,0 баравари
4.5.	Жисмоний шахсларнинг нотурар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 3,0 баравари
4.6.	Юридик шахсларнинг нотурар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 5,0 баравари
4.7.	Якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 1,0 баравари
4.8.	Нотурар жой обьектлар учун берилган жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 3,0 баравари
4.9.	Юридик шахсларга берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат реестридан кўчирмалар	БХМнинг 5,0 баравари
4.10.	Ипотека ва ипотека шартномасини, шунингдек ижара ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш	БХМнинг 1,25 баравари
4.11.	Уй-жойи мавжудлиги (йўқлиги) тўғрисида ахборот бериш	БХМнинг 20 фоизи

Мавжуд муаммолар ва тавсиялар. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги Кадастр ҳудудий бўлинмаси ходими билан сұхбат чоғида ташкилотга кунига ўртacha 10-20 та ариза тушиши аниқланди. Хизматни кўрсатиш жараёнида кадастр ходими ўртacha 1 маротаба ДХМ операторига мурожаат қиласи ва ўзаро алоқалар жараёнида салбий ҳолатларга дуч келмаган. Ўртacha хизмат 1-2 иш кунида кўрсатилади ва ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш муддатлари бўйича кечикиш кузатилмаяпти. Айни пайтда ташкилотдаги аризаларни кўриб чиқиш учун 2 нафар ходим ажратилган, шунга қарамай қўшимча штат бирлигини ажратиш зарур. Моддий-техник база, жумладан, Интернет, жиҳозлар ва иш шароитлари тўғрисида шикоятлар йўқ..

2.5.5-график: Сизга давлат хизматларидан ДХМда ёки тўғридан-тўғри масъул ташкилотда фойдаланиш қулайроқми?



27.2 фоизи вақтинча ишсиз, 9.4 фоизи давлат хизматчилари, 5.2 фоизи ўқитувчи, респондентларнинг 26.2 фоизи тадбиркор, 4.2 фоизи тиббиёт ходимлари. Респондентларнинг 97 фоизи жисмоний шахслар мақомида ДХМга мурожаат қилган (2.5.2-график).

Таҳлиллар кўрсатишича, респондентларнинг 51.6 фоизи биринчи марта ташриф буюрганида уларга хизмат кўрсатилган, сўраб чиқилганларнинг 31.3 фоизи хизматдан фойдаланиш учун ДХМга учун 2-3 марта ташриф буюрган (2.5.4-график). Бундан ташқари, респондентларнинг 17.2 фоизи давлат хизматларидан фойдаланиш учун ДХМга 3 мартадан кўпроқ муружаат қилган. **Респондентларнинг 73.7 фоизи давлат хизматларини тўғридан-тўғри ДХМдан олишни маъқул кўришини таъкидлаган** (2.5.5-график).

Нурафшон шаҳридаги респондентлар ўзларига кўрсатиладиган хизматлар сифатини ҳам баҳоладилар (2.5.6-график). Жавобларга кўра қуйидаги учта хизмат энг паст баҳога эга бўлди:

- Йўловчиларни ва юкларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро ташиш учун лицензия (5 баллдан 2 балл);

2.5.6-график. Бу йили ДХМГа қандай давлат хизматларидан фойдаланиш мурожаат қилдингиз? Сизга тақдим этилган хизматлар сифатини 1 дан 5 гача бўлган тизимда баҳоланг



2.5.7-график: Давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида қўйидаги қайси салбий ҳолатларга дуч келдингиз?



- Болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш учун ариза бериш (5 баллдан 2.8 балл);
- ФХДЁ органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш (5 баллдан 3.1 балл).

Онлайн ва телефон орқали давлат хизматларидан фойдаланиш. Респондентларнинг 23 фоизи ДХМга ташриф буоришдан олдин телефон орқали маслаҳатлашиш имкониятидан фойдаланган, уларнинг 50 фоизи телефон орқали олинган маълумотдан қониқиш ҳосил қилган. Худди шу тарзда давлат хизматларидан онлайн режимида фойдаланиш даражаси паст. 4.6 фоизигина электрон рақамли имзо ёрдамида онлайн тарзда давлат хизматларидан фойдаланган.

ДХМ шартлари ва фаолиятини баҳолаш. Навбатдаги ўртача кутиш тахминан 50 дақиқани ташкил этди. Давлат хизматларидан фойдаланишда сўраб чиқилганларнинг 2 фоизидан камроғи давлат хизматларидан фойдаланиш учун норасмий тўловларни амалга оширган.

Респондентларнинг 43.6 фоизи давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида салбий ҳолатларга дуч келмаган. Айни вақтда респондентларнинг 56.4 фоизи қатор муаммоларга дуч келган. **Хизмат кўрсатиш жуда кўп вақт олиши (35.9%) ва ДХМда узун навбатларни (32.4%) асосий муаммолар сифатида қайд этди** (2.5.7-график).

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашни давом эттириш учун респондентлардан давлат хизматларидан фойдаланиш осонлиги ва қулайлиги тўғрисида сўралди. Жумладан, респондентларнинг 21.7 фоизи хизматдан фойдаланиш имконияти деярли йўқлигини таъкидлади, 9.6 фоизи эса хизматдан фойдаланган, бироқ ҳужжатларга кўплаб қўшимча талаблар қўйилган (2.5.1-жадвал).

2.5.1-жадвал

21. Давлат хизматларидан фойдаланиш енгиллиги ва қулайлиги	
Хизматдан фойдаланиш имкони бўлмади / хизматдан фойдаланишнинг деярли имкони йўқ	21.7
Хизматдан фойдаландим, бироқ ҳужжатларга кўплаб қўшимча талаблар қўйилди	9.6
Хизматдан фойдаландим, бироқ қўшимча тартиб-таомиллар бор эди, улар ҳақида олдиндан огоҳлантиргмаган эдим	3.5
Хизматдан фойдаландим, бироқ жараён мен ўйлагандан ҳам мураккаброқ бўлиб чиқди	16.2
Менга дарҳол хизмат кўрсатилди, ҳеч қандай муаммо туғилмади	49.0

Респондентлар ДХМ ходимларининг касбий маҳоратига ҳам баҳо бердилар. Жумладан, респондентларнинг 15.8 фоизи ходимлар илтифотли бўлишига қарамай, улар


барча масалаларда ҳам малакали эмас, деб ҳисоблайди. 9.1 фоизи ходимлар тартибсиз ва күпинчә мижозларга хизмат күрсатиш билан боғлиқ бўлмаган шахсий ва бошқа вазифаларга чалғииди, деб қайд этди, 13.1 фоизи эса ходимлар ҳеч қандай кўмак берманлигини қўшимча қилди (2.5.2-жадвал).

2.5.2-жадвал

22. ДХМ ходимларининг касбий маҳорати	
Ходимлар қўпол, малакасиз	4.5
Ходимлар тартибсиз ва күпинчә мижозларга хизмат күрсатиш билан боғлиқ бўлмаган шахсий ва бошқа вазифаларга чалғииди	9.1
Ходимлар ҳеч қандай кўмак бермади	13.1
Ходимлар хушмуомала, бироқ ҳамма масалаларда ҳам малакали эмас	14.6
Мулойим, малакали ходимлар	58.6


Респондентларнинг 39.4 фоизи ДХМ бир қадам масофада, 40.9 фоизи ўз яшаш жойларидан унчалик узоқ бўлмаган масофада жойлашган, деб ҳисоблайди. Айни вақтда 7.6 фоизи ДХМ улар яшайдиган жойдан жуда узоқда эканлигини қайд этди (2.5.8-график).

2.5.8-график: ДХМ жойлашуви ва яқинлиги



- Яшаш жойидан жуда узоқда
- Яшаш жойидан анча узоқда
- Етиб бориш мумкин
- Яшаш жойидан унча узоқда эмас
- Яшаш жойидан бир қадамда

2.5.9-график: ДХМда навбатларни ташкил этиш



- 1 – навбатни ташкил этиш тизими мутлақо йўқ
- 2 – "Ким охири" принципи бўйича тизим
- 3 – электрон навбат тизими бор, бироқ ишламайди
- 4 – ходимлар ўзлари навбатни ташкил этади
- навбат автоматлаштирилган ҳолда ташкил этилган (электрон навбат тизими)

Респондентлар, шунингдек, ДХМга навбат туриш ва иш режимини ҳам баҳоладилар. Жумладан, 65.5 фоизи навбат "ким охири" тамойили асосида ишлашини таъкидлади, 4.5 фоизигина электрон навбат тизими мавжудлигини маълум қилди.

Тадқиқот кўрсатишича, респондентларнинг 63.1 фоизи ходимлар доимо ўз жойида ва ДХМда иш тартиби барқарор, 20.2 фоизи эса ходимлар баъзан иш жойини тарк этади, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, респондентлар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказишни ижобий баҳолайдилар. Жумладан, 53.6 фоизи ҳужжатлар дарров қабул қилинганинги қайд этди, 12.8 фоизи эса ҳужжатлар қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан қабул қилинганинги таъкидлади (2.5.3-жадвал).

2.5.3-жадвал

26. Давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган аризалар ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш

Хужжатларни қабул қилиш сабабини тушунтиrmай рад этилди	8.7
Хужжатлар дарҳол қабул қилинмади	8.2
Такроран мурожаат қилишга тўғри келди	16.8
Хужжатлар қабул қилинди, бироқ қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан	12.8
Хужжатлар дарҳол қабул қилинди ва рўйхатдан ўтказилди	53.6

Респондентларнинг 27.3 фоизи ҳужжатлар белгиланган муддатда тайёрланганлиги ни таъкидлади, 28.4 фоизи эса ҳужжатларни эртароқ олганлигини қайд этди. Бироқ сўраб чиқилганларнинг 26.8 фоизи аризаларни кўриб чиқиш муддати 5 иш кунидан ошиб кетди, деб ҳисоблайди (2.5.4-жадвал).

2.5.4-жадвал

27. Аризани ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш

Аризаларни кўриб чиқиш муддати 5 иш кунидан ошиб кетди	26.8
Кўриб чиқиш муддати 5 кунлик муддатдан ошиб кетди	4.6
Кўриб чиқиш муддати 1-2 иш куни муддатидан ошиб кетди	12.9
Хужжатлар белгиланган муддатда тайёрланди	27.3
Хужжатлар белгиланган муддатдан олдин тайёрланди	28.4

Аризага жавоб бериш тартиб-таомилининг самарадорлиги хусусида респондентларнинг 10.6 фоизи узоқ бюрократик тартиб-таомиллардан сўнг ариза рад этилди, 5.3 фоизи хизмат кўрсатилмади, чунки ариза дарҳол рад этилди, деб қайд этди (2.5.5-жадвал).

ДХМ ходимига мурожаат қилганда олинган ахборотнинг сифати ва тўлиқлиги хусусида респондентларнинг 59.9 фоизи тўлиқ ва сифатли ахборот олингандигини қайд этди, 13.2 фоизи эса ахборотда фақат кичик ноаниқликлар борлигини таъкидлади. Шу билан бирга, 8.6 фоизи ахборот тақдим этилмади, деб ҳисоблайди (2.5.6-жадвал).

2.5.5-жадвал

28. Аризага жавоб бериш тартиб-таомилининг самарадорлиги.

Узоқ бюрократик тартиб-таомиллардан сўнг ариза рад этилди	10.6
Ариза дарҳол рад этилди, хизмат кўрсатилмади	5.3
Такроран мурожаат қилинганда аризага жавоб олинди	17.0
Хизмат ва жавоб тегишли тартибда тақдим этилди	27.7
Тезлиқда жавоб ва хизмат тақдим этилди	39.4

2.5.6-жадвал

29. ДХМ ходимига мурожаат қилинганда олинган ахборотнинг сифати ва тўлиқлиги.

Ахборот тақдим этилмади	8.6
Ахборот тўлиқ бўлмаган ҳолда ва қўплаб ноаниқликлар билан тақдим этилди	7.6
Тўлиқ бўлмаган ахборот олинди	10.7
Ахборотда кичик ноаниқликлар келтирилган эди	13.2
Тўлиқ ва сифатли ахборот олинди	59.9

ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛГАН 5 ТА ҲУДУД БЎЙИЧА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ЖАМЛАНМА ҲИСОБОТИ

Респондентларнинг 56.4 фоизи эркаклар, 43.6 фоизи эса аёллардир. Респондентларнинг уртача ёши 40 ёшни ташкил этди, уларнинг 46.3 фоизи шаҳар типидаги шаҳарчаларда яшайди.

Сўралган респондентларнинг маълумот даражаси қўйидагича бўлган: 36.2 фоизи – ўрта маҳсус, 30.3 фоизи – ўрта, 11.8 фоизи – тугалланмаган олий, 21.7 фоизи бакалавр ёки магистр дипломига эга.

Респондентларнинг 45.3 фоизи вақтинча ишсиз, 11.9 фоизи давлат хизматчилари, 15.9 фоизи ўқитувчи, 19.4 фоизи тадбиркор, 6.5 фоизи тиббиёт ходими. Респондентларнинг 92 фоизи жисмоний шахслар мақомида ДХМга мурожаат қилган (2.6.1-график).

Респондентларнинг қарийб 79 фоизи ДХМ ходимлари ҳужжатларни дарров қабул қилганликларини таъкидлади.

Таҳлиллар кўрсатишича, респондентларнинг 48.5 фоизи биринчи марта ташриф буюрганида уларга хизмат кўрсатилган, сўраб чиқилганларнинг 38 фоизи хизматдан фойдаланиш учун ДХМга 2-3 марта ташриф буюрган. Бундан ташқари, респондентларнинг 13.5 фоизи давлат хизматларидан фойдаланиш учун ДХМга 3 мартадан кўпроқ мурожаат қилган, 73.1 фоизи давлат хизматларини тўғридан-тўғри ДХМдан олишни маъқул кўришини таъкидлана (2.6.2-график).

Тажриба ўтказилган 5 та ҳудуддаги респондентлар ўзларига кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳоладилар (2.6.3-график). Жавобларга кўра қўйидаги учта хизмат энг паст баҳога эга бўлди:


- Болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш учун ариза бериш (5 баллдан 4,0 балл);
- Бола туғилганда бир марталик тўловни олиш (5 баллдан 4.1 балл баллов)
- Тугалланган (реконструкция қилинган) объектни фойдаланишга топшириш (5 баллдан 4.2 балл)

Онлайн ва телефон орқали давлат хизматларидан фойдаланиш. ДХМ хизматларидан фойдаланувчилар ДХМга ташриф буюришгача телефон орқали маслаҳат олиш хизматини билмаганликларини ёки ундан фойдаланмаганликларини маълум қилдилар. 23.8 фоизигина ДХМга ташриф буюришдан олдин телефон орқали маслаҳатлашиш имкониятидан фойдаланган, уларнинг 57 фоизи телефон орқали олинган маълумотдан қониқиши ҳосил қилган. Худди шу тарзда давлат хизматларидан онлайн режимида фойдаланиш даражаси

2.6.1-график: Сиз қайси соҳада ишлайсиз?



2.6.2-график. Битта давлат хизматидан фойдаланиш учун ДХМга неча марта ташриф буюрдингиз?



2.6.3-график: Бу йили ДХМга қандай давлат хизматларидан фойдаланиш мурожаат қилдингиз? Сизга тақдим этилган хизматлар сифатини 1 дан 5 гача бўлган тизимда баҳоланг



паст, 9.9 фоизигина электрон рақамли имзо ёрдамида онлайн тарзда давлат хизматларидан фойдаланган.

ДХМ шартлари ва фаолиятини баҳолаш. Жавобларни таҳлил қилиш натижалариға күра респондентлар хизматдан фойдаланиш учун ўртача 30 дақықа кутишлари керак бўлган. Давлат хизматларидан фойдаланишда сўраб чиқилганларнинг 3.8 фоизигина давлат хизматларидан фойдаланиш учун норасмий тўловларни амалга оширган.

Респондентларнинг 36 фоизи давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида салбий ҳолатларга дуч келмаган. Айни вақтда респондентларнинг 4.2 фоизи хизмат кўрсатиш жуда кўп вақт олиши, операторлар зарур кўниқмаларга эга эмаслиги (1.3%) каби қатор муаммоларга дуч келган.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашни давом эттириш учун респондентлардан давлат хизматларидан фойдаланиш осонлиги ва қулайлиги тўғрисида сўралди. **Респондентларнинг катта қисми (57,7%) хизматлардан муаммосиз фойдаланганини таъкидлади,** 30.3 фоизи хизмат кўрсатилди, бироқ бу жараён улар кутганидан мураккаброқ бўлиб чиққанлигини қайд этди ва атиги 5.7 фоизи хизматдан фойдалана олмаган (2.6.1-жадвал).

2.6.1-жадвал

21. Давлат хизматларидан фойдаланиш енгиллиги ва қулайлиги	
Хизматдан фойдаланиш имкони бўлмади / хизматдан фойдаланишнинг деярли имкони йўқ	5.7
Хизматдан фойдаландим, бироқ ҳужжатларга кўплаб қўшимча талаблар қўйилди	3.4
Хизматдан фойдаландим, бироқ қўшимча тартиб-таомиллар бор эди, улар ҳақида олдиндан огоҳлантирган эдим	3.6
Хизматдан фойдаландим, бироқ жараён мен ўйлагандан ҳам мураккаброқ бўлиб чиқди	30.3
Менга дарҳол хизмат кўрсатилди, ҳеч қандай муаммо туғилмади	56.9

Респондентлар ДХМ ходимларининг касбий маҳоратига ҳам баҳо бердилар. Жумладан, респондентларнинг 25.7 фоизи ходимлар илтифотли бўлишига қарамай, улар барча масалаларда ҳам малакали эмас, деб ҳисоблайди (2.6.2-жадвал).

2.6.2-жадвал


22. ДХМ ходимларининг касбий маҳорати	
Ходимлар қўпол, малакасиз	2.5
Ходимлар тартибсиз ва кўпинча мижозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган шахсий ва бошқа вазифаларга чалғыйди	4.4
Ходимлар ҳеч қандай кўмак бермади	6.0
Ходимлар хушмуомала, бироқ ҳамма масалаларда ҳам малакали эмас	25.7
Мулоим, малакали ходимлар	61.3

Респондентларнинг 23.4 фоизи ДХМ бир қадам масофада, 12.3 фоизи ўз яшаш жойларидан унчалик узоқ бўлмаган масофада жойлашган, деб ҳисоблайди. Айни вақтда 22.5 фоизи ДХМ яшаш жойидан анча узоқда жойлашганлигини қайд этмоқда (2.6.4-график).

Респондентлар, шунингдек, ДХМга навбат туриш ва иш режимини ҳам баҳоладилар. Жумладан, **37.4 фоизи электрон навбат тизими мавжудлигини қайд этди. Шунга ўхшаш тарзда респондентларнинг 64.9 фоизи ходимлар доимо ўз жойида ва ДХМда иш тартиби барқарор, деб ҳисоблайди.**


Респондентлар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказишни ижобий баҳолайдилар. Жумладан, 62.3 фоизи ҳужжатлар дарров қабул қилинганлигини қайд этди, 23.8 фоизи эса ҳужжатлар қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан қабул қилинганлигини таъкидлади (2.6.3-жадвал).

2.6.4-график. ДХМ жойлашуви ва яқинлиги



- Яшаш жойидан жуда узоқда
- Яшаш жойидан анча узоқда
- Етиб бориш мумкин
- Яшаш жойидан унча узоқда эмас
- Яшаш жойидан бир қадамда

2.6.5-график. ДХМда навбатларни ташкил этиш



- 1 – навбатни ташкил этиш тизими мутлақо йўқ
- 2 – “Ким охири” принципи бўйича тизим
- 3 – электрон навбат тизими бор, бироқ ишламайди
- 4 – ходимлар ўзлари навбатни ташкил этади
- навбат автоматлаштирилган ҳолда ташкил этилган (электрон навбат тизими)

2.6.3-жадвал

26. Давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган аризалар ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш	
Хужжатларни қабул қилиш сабабини тушунтирумай рад этилди	2.8
Хужжатлар дарҳол қабул қилинмади	2.6
Такроран мурожаат қилишига тўғри келди	8.3
Хужжатлар қабул қилинди, бироқ қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан	23.8
Хужжатлар дарҳол қабул қилинди ва рўйхатдан ўтказилди	62.3

Шунга ўхшашиб тарзда респондентларнинг 48.4 фоизи ҳужжатлар белгиланган муддатда тайёрланганини таъкидлади, 31.2 фоизи эса ҳужжатларни эртароқ олганлигини қайд этди. Сўраб чиқилганларнинг 8 фоизи аризани кўриб чиқиш муддати 5 иш кунидан ошиб кетди, деб ҳисоблайди (2.6.4-жадвал).

2.6.4-жадвал

27. Аризани ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш	
Аризаларни кўриб чиқиш муддати 5 иш кунидан ошиб кетди	8.0
Кўриб чиқиш муддати 5 кунлик муддатдан ошиб кетди	3.0
Кўриб чиқиш муддати 1-2 иш куни муддатидан ошиб кетди	9.4
Ҳужжатлар белгиланган муддатда тайёрланди	48.4
Ҳужжатлар белгиланган муддатдан олдин тайёрланди	31.2

Юқорида кўрсатилган жавоблар, шунингдек, аризага жавоб қайтариш тартиб-таомилларининг самарадорлиги билан ҳам тасдиқланади. Жумладан, респондентларнинг 40 фоизи тезда, 48.3 фоизи тегишли тартибда жавоб (хизмат) олган (2.6.5-жадвал).

ДХМ ходимига мурожаат қилганда олинган ахборотнинг сифати ва тўлиқлиги хусусида – 68.6% респондентов тўлиқ ва сифатли ахборот олинганлигини қайд этди, 22.3 фоизи эса ахборотда фақат кичик ноаниқликлар борлигини таъкидлади (2.6.6-жадвал).

2.6.5-жадвал

28. Аризага жавоб бериш тартиб-таомилининг самарадорлиги.

Узоқ бюрократик тартиб-таомиллардан сўнг ариза рад этилди	3.0
Ариза дарҳол рад этилди, хизмат кўрсатилмади	2.4
Такроран мурожаат қилинганда аризага жавоб олинди	6.3
Хизмат ва жавоб тегишли тартибда тақдим этилди	48.3
Тезлиқда жавоб ва хизмат тақдим этилди	40.0

2.6.6-жадвал

28. Аризага жавоб бериш тартиб-таомилининг самарадорлиги.

Узоқ бюрократик тартиб-таомиллардан сўнг ариза рад этилди	3.0
Ариза дарҳол рад этилди, хизмат кўрсатилмади	2.4
Такроран мурожаат қилинганда аризага жавоб олинди	6.3
Хизмат ва жавоб тегишли тартибда тақдим этилди	48.3
Тезлиқда жавоб ва хизмат тақдим этилди	40.0

2019 ВА 2020 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ


2.7.1-графигида кўрсатилганидек, “Юридик ва жисмоний шахсларни сув таъминоти ва сув ажратиш тармоқларига улаш” хизматига баҳо бериш бўйича 4,2 баллдан 5 баллгача энг катта сакраш юз берди. Бундан ташқари, “Якка тартибдаги уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш” хизматини кўрсатиш сифати бўйича ютуқ кузатилмоқда. Қўйидаги хизматлар сифатини баҳолаш: “Уй-жой биносини нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисида рухсат”, “Тугалланган (реконструкция қилинган) обьектни фойдаланишга топшириш”, “Архитектура ва ре-

2.7.1-график: 2019 ва 2020 йилларда айрим давлат хизматларини кўрсатиш сифатининг қиёсий таҳлили



■ 2019 ■ 2020

2.7.2-график: Битта хизматдан фойдаланиш учун ДХМга ташрифлар сони (респондентларнинг %)



жалаштириш вазифасини ишлаб чиқиш”, “Болаларни давлат мактабгача таълим мусассасалариға қабул қилиш учун ариза бериш” ва “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш”.

2.7.2-графигида кўрсатилганидек, битта хизматдан фойдаланш учун ДХМга 2-3 марта ташриф буюришга тўғри келганлар сони сезиларли даражада ошди. Биринчи ташриф пайтида хизматдан фойдаланган респондентлар сони ҳам сезиларли даражада камайди. Бундай динамика ДХМ ва масъул ташкилотлар операторларининг сифати ва самарадорлиги сезиларли даражада пасайғанлигидан далолат беради. Бироқ 2020 йилда COVID-19 коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантин чораларининг салбий таъсирини ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, “Хужжатларингизни дарров қабул қилишдими?” деган саволга 2019 ва 2020 йилларда сўраб чиқилганларнинг 90,4 фоизи ва 62,3 фоизи ишончли жавоб берди, 8,4 фоизи ва 23,8 фоизи хужжатлар қабул қилинганлигини, бироқ такомилига етказиш учун қайтарилиганлигини қайд этди. Шунингдек, давлат хизматлари фойдаланувчилари орасида телефон орқали маслаҳат олиш оммалашиб боришида ҳам ўзгаришлар юз кузатилмоқда (2019 йилда 29,8% ва 2020 йилда 23,8%), бунда олинган ахборотдан мамнун бўлган респондентларнинг улуши 2019 йилда 96 фоизни, 2020 йилда 57 фоизни ташкил этди. Шунга ўхшаш натижалар аҳолига хизмат кўрсатиш сифати пасайғанлигини ҳам кўрсатади. Давлат хизматидан фойдаланиш учун ўртacha кутиш вақти ҳам сезиларли даражада, 2019 йилдаги 17 дақиқадан 2020 йилда 30 дақиқагача ошди. Норасмий тўловлар сони кўпайиши кузатилаётгани эътиборга лойик. Жумладан, 2019 йилда сўраб чиқилганларнинг 2,2 фоизи норасмий тўловларни амалга оширганликларини маълум қилди, шу билан бирга 2020 йилда уларнинг улуши 3,8 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 2019 йилда сўраб чиқилганларнинг 0,9 фоизи ДХМ операторлари зарур кўникмаларга эга эмаслигини улар давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида дуч келган салбий жиҳатлардан бири сифатида қайд этди. 2020 йилда сўраб чиқилганларнинг 1,3 фоизи ушбу жиҳатни қайд этди⁶

⁶ Изоҳ: 2020 йилги таҳлил Тошкент вилотяи Нурафшон шаҳрини ўз ичига олади

ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

Ушбу тадқиқотнинг мақсади ДХА / ДХМ ва тегишли давлат органлари масъул ходимларининг салоҳиятини ривожлантириш заруратини таҳлил қилишдан, шунингдек, Ўзбекистоннинг 5 та тажриба минтақасида ДХМ орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини баҳолашдан иборат эди. Тадқиқот доирасида мақсадли ташкилотларнинг асосий ходимларини баҳолаш бўйича малакалар таҳлили ўтказилди, аниқланган мавзулар бўйича ходимларни ўқитиш режаси тайёрланди, тахминан 1000 нафар респондент иштирокида давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланувчиларнинг қониқиши даражаси баҳоланди. Бундан ташқари, тажриба ўтказилган худудларда энг кўп талаб қилинадиган 10 та давлат хизматининг ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларидан энг кўп шикоят бўлган 10 та хизматнинг кўрсатилиши ҳам таҳлил қилинди, мижозлар ўртасида ўтказилган сўровнома ва ДХМ ходимлари ва ихтисослашган ташкилотлар билан суҳбатлар асосида ДХМ ва тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти са-марадорлиги баҳоланди ва хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот доирасида қўйидаги асосий хуносалар чиқариш мумкин. Жумладан, суҳбат иштирокчиларида режалаштириш ва ташкилотдаги ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, тафсилотларга эътиборлилик ва тартиб-таомилларга риоя этиш кўниқмалари нисбатан яхши ривожланган. Бироқ суҳбатда самарали мулоқот қилиш кўниқмалари ва стрессга чидамлилик нисбатан паст даражада ривожланганлиги аниқланди. Бундан ташқари, ташаббускорлик даражаси, мослашувчанлик, шунингдек, жамоада ишлаш кўниқмалари ва жамоани бошқариш қобилиятини ҳам ривожлантириш керак. Шунга ўхшаш тарзда респондентлар вақтни бошқариш кўниқмалари, киришувчанлик, нотиқлик санъати ва ишда мослашувчанликни кўрсатдилар. Шунингдек, респондентлар ДХА иши сифатини ошириш учун ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш амалиётини жорий этиш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, суҳбат иштирокчиларининг фикрича, ДХА ва идоравий ташкилотлар ўртасидаги мавжуд ҳамкорлик даражаси яхшиланиши керак. Бундан ташқари, респондентлар электрон ҳукумат воситалари ва давлат хизматларини рақамлаштириш кенг татбиқ этилганига қарамай, умуман олганда, ҳужжатларнинг қоғоз шаклидаги анъана-вий муомаласи ҳали ҳам юқори даражада сақланиб қолаётганлигини қайд этди. Бундан ташқари, респондентлар психологияк саводхонлик бўйича тренинг зарурлигини таъкидладилар.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппарати ходимлари билан ўтказилган суҳбатлар режалаштириш, тафсилотларга эътибор бериш ва белгиланган тартиб-таомилларга риоя қилиш, шунингдек, ташкилотдаги ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш кўниқмалари юқори даражада ривожланганлигини кўрсатди. Бироқ натижалар, шунингдек, инспекция ходимларида самарали мулоқот қилиш соҳасида кўниқмалар ва стрессга чидамлилик кўниқмалари етишмаслигини кўрсатди. Респондентларнинг мижозларга йўналтирилганлиги паст даражада эканлиги ҳам қайд этилди. Респондентларнинг фикрича, ўз вазифаларини янада самарали бажариш учун улар стрессга чидамлилик даражаси ва киришимлилигини оширишлари керак. Шунингдек, суҳбатлар иштирокчилари нотиқлик маҳоратининг етишмаслиги ва сусткашлик мавжудлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлимлари ва бўлинмалари раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлар режалаштириш, ташкилотдаги ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда тасфилотларга юқори даражада эътиборли бўлиш ва тартиб-таомилларга риоя этиш кўниқмалари нисбатан яхши ривожланганлигини кўрсатди. Айни вақтда самарали мулоқот қилиш кўниқмалари ва стрессга чидамлилик паст кўрсаткичларга эга. Ишбилармонлик муҳитини тушуниш, ахборотни

таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш, ташаббускорлик, натижага йўналтирилганлик, ташкilotга содиқлик ва мижозга йўналтирилганлик каби кўникумалар паст ва ўртача даражада ривожланган.

Тажриба ўтказилган туманлардаги тўртта бўлим раҳбарлари / ўринbosарлари ва ДХМ директорлари ҳамда операторларидан ташкил топган ДХА ҳудудий бошқармалари ходимлари билан суҳбатлар стрессга чидамлилик ва самарали мулоқот қилиш кўникумалари паст даражада ривожланганинг кўрсатди. Ташаббускорлик, мослашувчанлик ва янгиликка очиқлик паст даражада ривожланган. Шунингдек, респондентларда натижага йўналтирилганлик ва унинг учун жавобгарлик ташкилотдаги ҳамкаслари билан ҳамкорлик қилиш кўникумалари ва ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш қобилияти билан таққослагандаги нисбатан заиф ривожланган. Суҳбатлар иштирокчила-ри вақтни бошқариш, киришимлилик, ҳамкаслар билан ўзаро муносабатда мослашувчанлик кўникумаларини ривожлантириш ва психолигик саводхонлик даражасини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Бундан ташқари, респондентлар норматив-хуқуқий базани билиш ва АКТ соҳасидаги кўникумаларни яхшилаш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, суҳбат иштирокчиларининг фикрича, респондентларнинг ўз вазифаларини янада самарали бажаришлари учун мавжуд моддий-техник базани ва инфратузилманинг ҳолатини яхшилаш керак.

ДХМ ва ташкилотлар самарадорлигини баҳолаш учун давлат хизматларини кўрсатишга масъул бўлган ташкилотлар (бэк-офислар) ўртасида суҳбатлар ва сўровномалар ўтказилди, унда суҳбат қатнашчилари давлат хизматлари марказлари билан ҳамкорлик сифатига танқидий баҳо бердилар ва ҳамкорликнинг яхшиланиши зарур бўлган жиҳатларини қайд этдилар. Тошкент вилоятида мактабгача таълим бошқармасида таклифнинг кескин танқислиги шароитида аҳолидан мактабгача таълим муассасалари хизматларига бўлган талаб юқори бўлганлиги сабабли ушбу соҳада қатор муаммолар юзага келмоқда: навбатга қўйилган пайтдан бошлаб ва маълум бир мактабгача таълим муассасасига йўлланма олгунига қадар 2-3 йил ўтиши мумкин, яшаш жойи ўзгартирилганда болани бошқа мактабгача таълим муассасасига ўтказиш учун янги яшаш жойидаги мактабгача таълим муассасасига йўлланма олиш учун навбатга қайта туриш керак ва йўлланма олиш учун яна навбат кутиш керак, навбатга қўйиш тизимида мактабгача таълим муассасасида ака-ука / опа-сингиллар борлиги ҳисобга олинмайди, баъзан ДХМ ходимлари тизим бўйича мактабгача таълим муассасасида жойлар бўшаганлигини текширмайди ва бу тўғрисида фойдаланувчиларни хабардор қилмайди, баъзан, бир вақтнинг ўзида иккита бола рўйхатдан ўтганида (масалан, эгизаклар) фақат битта болага йўлланмалар берилиши мумкин ёки кўпинча ДХМ ходимлари маълумотлар базасида боланинг Ф.И.О.ни ёзишда грамматик хатоларга йўл қўяди, бу давлат хизматларидан фойдаланувчилар ва бошқалар учун қўшимча ноқулийлар туғдиради. Кам таъминланган фуқаролар ушбу хизмат учун тўлов миқдоридан норозилигини билдирадилар. Тавсиялар сифатида ушбу хизматни тақдим этиш тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш ва аҳоли ўртасида давлат хизматлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, Мактабгача таълим вазирлиги ва ДХМ бўлимлари ўртасида янада самарали ҳамкорлик қилиш учун ДХМ ходимлари ва ташкилотларининг йўлланмалар беришдаги вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш керак, бу фуқароларни мактабгача таълим муассасасига йўлланма олмагунча ўзаро қайта йўлланма беришнинг олдини олади.

Нурафшон шаҳар Бош қурилиш бошқармасига ташриф “Якка тартиbdаги уй-жой қурилишининг (реконструкция қилинишининг” лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш” хизматини кўрсатишда ваколатли органларнинг янада самарали ишлаши учун обьектнинг ҳажмига қараб хизматларни кўрсатиш учун белгиланган муддатларни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Шунингдек, аризани келишишнинг барча босқичларида унинг мақомини

текшириш имкониятини таъминлаш учун реал вақт режимида ариза мақомини масофа-дан мониторинг қилишни таъминлаш тавсия этилади.

Давлат солиқ инспекциясига (Сирдарё вилояти Ховос тумани) ташриф доирасида инспекция ходимлари мазкур ташкилот юрисдикциясида бўлган ва ДХМ орқали тақдим этиладиган хизматларнинг амалдаги рўйхатини қайта кўриб чиқишни таклиф қилдилар. Уларнинг фикрича, ДСИ томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар ДХМга ўтказилиши керак, бу эса фуқароларнинг ДСИга ташрифларини камайтиради ва фуқаролар учун қулайроқ бўлади. Шунингдек, СТИР ва ЭРИ олиш ДХМ орқали тақдим этиладиган энг машҳур хизматлардан бири эканлигини ва бугунги кунда фойдаланувчилар ушбу хизматларни онлайн (масофадан туриб) олиш имкониятига эга эканлигини инобатга олган ҳолда интерактив шаклда тақдим этиладиган хизматлар рўйхати тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш керак.

“Худудгазтаъминот” АЖда (Жиззах виляти Бахмал тумани) “1,2 МПа дан юқори бўлмаган босим билан газ тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш” хизматининг таҳлили шуни кўрсатдики, регламентга биноан фойдаланувчиларни газ тармоқларига улаш тартиби техник шартларни ишлаб чиқишни назарда тулади; газ таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; қурилиш-монтаж ишлари; табиий газ ҳисоблагичини муҳрлаш ва бошқалар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси табиий газ ҳисоблагичини муҳрлашда иштирок этади. Амалда газ тармоқлари, ускуналари, баҳтсиз ҳодисаларнинг яроқлилиги учун барча жавобгарлик “Худудгазтаъминот” зиммасига юклатилган ва Бюронинг ходимлари табиий газни ҳисобга олиш мосламасини муҳрлаш жараёнида қатнашмайдилар. Айни вақтда фойдаланувчиларнинг аризасида ДХМ орқали фақат Бюронинг тасдиқлашидан кейин жавоб берилади, бу эса хизматни тақдим этиш муддатини кечикитиради. Бюронинг ходимларини табиий газни ҳисобга олиш мосламасини муҳрлашдаги иштирокини истисно қилиш, шунингдек, кейинчалик муҳрланганлиги тўғрисида Бюрони хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш тавсия этилади. Бундан ташқари, уй эгалари ариза берувчининг аризасида кўрсатилган белгиланган манзилда бўлмаслиги туфайли хизматни белгиланган муддатларда кўрсатиш кечикмоқда. Демак, “Худудгазтаъминот” инспекторларининг ташрифи пайтида уй эгаларининг йўқ бўлиши билан боғлиқ кутилмаган вазиятларни истисно этиш мақсадида инспекторнинг аризани қабул қилишда инспекторнинг келиш графигини олдиндан кўрсатиш ва / ёки ташрифдан олдин хабар бериш тизимини жорий этиш, масалан, инспекторнинг келиши ҳақида СМС-хабарнома юбориш зарур. “20 кВт дан ортиқ электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш” хизмати бўйича хизматларни янада сифатли кўрсатиш учун моддий-техник инфратузилманинг йўқлиги (барқарор Интернет ва компьютер ускуналари) каби жиддий муаммолар аниқланди. Наркология диспансерида (Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри) “Наркология диспансерида ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш” хизматини ўрганиш доирасида ушбу вазифани зудлик билан бажариш учун ташкилот ичидаги инфратузилма етарли эмаслиги, масалан, юқори тезлиқдаги Интернет, ишлайдиган компьютер йўқлиги, электр таъминотидаги узилишлар тез-тез юз бериши аниқланди. Кунига ДХМдан тушадиган аризалар кўплиги (ўртача 250-300) туфайли юқори иш юкини ҳисобга олган ҳолда, ходим бутун иш вақтини аризаларни кўриб чиқишга сарф қилиши керак. Ходимнинг сўзларига кўра ДХМдан тушадиган аризалар учун масъул бўлган штат ходими учун 0,5 ставка ажратилган. Аслида, хизматни ўз вақтида кўрсатиш учун ходим ҳатто тўғридан-тўғри касбий вазифаларига зиён этказган ҳолда иш вақтидан ташқари ишлашига тўғри келади, шунинг учун ставкани ошириш ёки аризаларни кўриб чиқиш учун қўшимча штат бирлигини ажратиш керак.

"Бола туғилганда бир марталик нафақа олиш" давлат хизматини ўрганиш давлат хизматларини янада самарали ва сифатли кўрсатиш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш билан боғлиқ масалалар бўйича интеграцияни ўрнatiш зарурлигини кўрсатди. Бундан ташқари, ташкилот ходимлари ДХМ маълумотлар базасида техник муаммолар тез-тез учрашини қайд этди. Бу муаммо ДХМ маълумотлар базасида Пенсия жамғармаси томонидан эълон қилинган Пенсия жамғармаси фуқаролари сони тўғрисида ахборот ўз вақтида пайдо бўлмаслиги туфайли юзага келади. Респондентлар, шунингдек, ДХМ ходимлари масъул ташкилотга сўров юборишда хатоларга йўл қўйишини таъкидладилар. Маълумотларни қайта ишлаш сифати ва тезлигини ошириш учун фойдаланиладиган дастурий таъминотни диққат билан мониторинг қилиш тавсия этилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини баҳолашни ўрганиш қўйидаги хulosаларни чиқаришга имкон берди: респондентларнинг 48.5 фоизининг фикрича, биринчи марта ташриф буюрганида уларга хизмат кўрсатилган, сўраб чиқилганларнинг 38 фоизи хизматдан фойдаланиш учун ДХМга 2-3 марта ташриф буюрган, респондентларнинг 13.5 фоизи эса давлат хизматларидан фойдаланиш учун ДХМга 3 мартадан кўпроқ мурожаат қилган. Тажриба ўtkazilgan барча 5 та ҳудудда болаларни мактабгача таълим муассасига қабул қилиш учун ариза бериш, бола туғилганда бир марталик тўловни олиш ва тугалланган (реконструкция қилинган) обьектни фойдаланишга топшириш борасида энг паст баҳо олинди. ДХМ хизматларидан фойдаланувчилар ДХМга ташриф буюришгача телефон орқали маслаҳат олиш хизматини билмаганликларини ёки ундан фойдаланмаганликларини маълум қилдилар. 23.8 фоизигина ДХМга келишдан олдин телефон орқали маслаҳатлашиш имкониятидан фойдаланган. Респондентларнинг катта қисми (57 фоизи) хизматлардан муаммосиз фойдаланганлигини таъкидлади, 30.3 фоизи хизмат кўрсатилди, бироқ бу жараён улар кутганидан мураккаброқ бўлиб чиқсанлигини қайд этди ва атиги 5.7 фоизи хизматдан фойдалана олмади. Респондентларнинг 25.7 фоизи ходимлар илтифотли бўлишига қарамай, улар барча масалаларда ҳам малакали эмас, деб ҳисоблади.

Респондентлар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда рўйхатдан ўtkazishni ижобий баҳолайдилар. Жумладан, 62.3 фоизи ҳужжатлар дарров қабул қилинганлигини қайд этди, 23.8 фоизи эса ҳужжатлар қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан қабул қилинганлигини таъкидлади. Юқорида кўrсатилган жавоблар, шунингдек, аризага жавоб қайтариш тартиб-таомилларининг са-марадорлиги билан ҳам тасдиқланади. Жумладан, респондентларнинг 40 фоизи тезда, 48.3 фоизи тегишли тартибда жавоб (хизмат) олган. 2019 ва 2020 йилларда давлат хизматлари фойдаланувчилари ўртасида ўtkazilgan сўров натижаларининг қиёсий таҳлили шуни кўrсатдики, битта хизматдан фойдаланиш учун ДХМга 2-3 марта мурожаат қилишга мажбур бўлганлар сони сезиларли даражада ошган. Биринчи ташриф пайтида хизматдан фойдаланган респондентлар сони ҳам сезиларли даражада камайган. Бундай динамика ДХМ ва масъул ташкилотларнинг операторлари сифати ва тезлиги сезиларли даражада пасайганлигидан далолат беради. Бироқ 2020 йилда COVID-19 коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантин чораларининг салбий оқибатларини ҳисобга олиш керак. Шунингдек, давлат хизматлари фойдаланувчилари орасида телефон орқали маслаҳат олиш оммалashiшида ўзгаришлар кузатилмоқда (2019 йилда 29,8% ва 2020 йилда 23,8%). Давлат хизматидан фойдаланиш учун ўртacha кутиш вақти ҳам сезиларли даражада, 2019 йилдаги 17 дақиқадан 2020 йилда 30 дақиқагача ошганлигига ҳам эътибор қаратиш зарур.

3 | ИЛОВА

№1 ДХА МАРКАЗИЙ АППАРАТИ БҮЛІМЛАРИ ВА БОШҚАРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№2 ЎЗР ВМ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛAT ИНСПЕКЦИЯСИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ БЎЛИМЛАРИ ВА БОШҚАРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№3 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ БЎЛИМЛАРИ ВА БОШҚАРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№4 СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ДХА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№5 СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ДХА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ




№6 ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ДХА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№7 СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ДХА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№8 ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ДХА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ




№9 ТАЖРИБА ҲУДУДЛАРИ ДХМ ДИРЕКТОРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№10 ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НУРАФШОН ШАҲРИ ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ




№11 СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХОВОС ТУМАНИ ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ




№12 ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БАХМАЛ ТУМАНИ ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ




№13 СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САРИОСИЁ ТУМАНИ ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ




№14 ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИ ДХМ ОПЕРАТОРЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№15 ЎЗР ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИ МИНТАҚАВИЙ БҮЛІМЛАРИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРХИ



№16 ЎЗР ВМ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАЛАРИ ШАРҲИ



№17 МЕТОДОЛОГИЯ

Анъянага кўра ходимларнинг иш самарадорлигини таҳлил қилиш аксарият ҳолларда ўзаро алоқанинг бир манбай – унинг бевосита раҳбари асосида амалга оширилди. “360 градус” баҳолаш усули – бу ҳамкаслар, мижозлар, қўл остидагилар, раҳбарлар, , шунингдек, респондентнинг шахсий баҳоси каби муқобил манбаларни ўз ичига олган нисбатан янги тушунчадир. Ушбу ахборотдан меҳнат унумдордикни максимал даражага кўтариш учун ходимнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, шунингдек, ўз иш вазифаларини бажариш учун зарур бўлган малакалар даражасини объектив баҳолашда унга ёрдам бериш учун фойдаланилади . Умуман олганда, ушбу методология бир нечта томонни – ҳамкаслар, раҳбарлар, қўл остидагилар ва мижозларни баҳолашни ўз ичига олади. Суҳбатда компьютерлаштирилган усуллар ва веб-платформалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кўпинча баҳолаш учун алоҳида ҳисоботларда умумлаштирилайдиган компьютерлаштирилган ва веб-жавобларни ўз ичига олади. Раҳбарлар билан учрашганда улар ўзларига қулайлик яратиш учун ўринли деб ҳисоблаган ахборот билан ўртоқлашадилар¹.

“360 градус” ўзаро алоқа усули бир нечта муҳим афзалликларга эга. Ушбу ўзаро алоқа усули респондентнинг ўзи идрок этишига ва ҳукмига ишонишдан кўра ходимнинг малакаси ҳолати натижалари ҳақида кенгроқ изоҳ тақдим этадиган турли хил нуқтаи назардан кўплаб тасаввурларни ҳосил қиласди. Респондентнинг ҳамкаслари раҳбар билан биргаликда, қоида тариқасида, ходимнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолияти тўғрисида, айниқса раҳбар ходим фаолиятининг барча соҳаларини бошқариш имкониятига эга бўлмаганда тўлиқроқ тасаввур беради². Бундан ташқари, айни вақтда ходимларни баҳолашнинг мавжуд усуллари уларнинг ютуқлари ва касбий малакаларини таҳлил қилишга қаратилган, “360 градус” ўзаро алоқа усули респондентнинг кундаклик касбий фаолиятида намоён бўладиган ва унинг иш сифатига таъсир этадиган мослашувчан қўнималарини баҳолашга қаратилган³. Kouzes and Posner (1993) фикрича, “360 градус” ўзаро алоқа усули ходимларнинг самарадорлиги ва малакаси ҳолатини баҳолашнинг энг кучли механизмларидан бири ҳисобланади⁴. London and Beatty (1993) ушбу услугуб бўлинманинг ва умуман ташкилотнинг самарадорлигини ҳамда унинг мижозларга йўналтирилганлигини максимал даражада ошириш учун ходимларнинг малакалари муҳимлиги тўғрисида раҳбарият хабардорлигини ошириш учун кучли ташкилий механизм бўлиши мумкин, деб тахмин қиласди⁵.

ДҲА, давлат хизматлари марказлари ва масъул ташкилотлар ходимлари билан суҳбатлар ўтказишида “360 градус” ўзаро алоқа услуги бўйича сўровноманинг мослаштирилган версиясидан фойдаланилади. Сўровнома қўйидаги малакаларнинг ривожланиш даражасини аниқлашга имкон беради:

- “Мижозга йўналтирилганлик”;
- “Ташкилотга содиқлик ва ватанпарварлик”;

¹ Baroda, S., Sharma, C. and Bhatt, J. K. (2012). “360 Degree Feedback Appraisals- An innovative approach of Performance Management System”. International Journal of Management & Information Technology, Vol. 1, No. 2, pp. 53-66

² Maylett, T. (2009). “360-degree feedback revisited: The Transition from development to appraisal”. Decision-wise Leadership Intelligence, pp. 1-8. Retrieved from www.decwise.com.

³ https://teammate360.eu/results/IO6_Best_Practise_Guide/IO6_-_T360_Best_Practice_Guide_-_EN.pdf

⁴ Kouzes, J. H. & Posner, B. Z. (1993). “Credibility – How leaders Gain and Lose it, Why people Demand It”. San Francisco: Jossey – Bass publishers, pp. 97-98

⁵ London, M. & Beatty, R. W. (1993). “360 degree feedback as competitive advantage”. Human Resource Management, Vol. 23, No. 4, pp. 77-82.

- “Натижага йўналтирилганлик ва унинг учун жавобгарлик”; “Ташаббускорлик, мослашувчанлик ва янгиликка очиқлик”;
- “Ахборотни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш”;
- “Ишбилармонлик муҳитини тушуниш”;
- “Тафсилотларга эътиборлилик и тартиб-таомилларга риоя этиш”;
- “Стрессга чидамлилик ва ўз ҳиссий ҳолатини бошқариш қобилияти”; «Самарали мулоқот қилиш кўникмалари”;
- “Ташкилотдаги ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш кўникмалари”;
- “Жамоани бошқариш ва жамоада ишлай олиш”; “Режалаштириш”; “Ходимларни ўқитиш ва ўзини ривожлантириш”;
- “Етакчилик хислатлари ва қизиқтира олиш”.

Ҳар бир респондентнинг профили ўз жавоблари ва ҳамкасларидан бирининг баҳоси асосида шаклланади. Айрим саволларга жавоблар тескари шкалалашни назарда тутади. Муайян саволларга жавоблар комбинацияси юқорида кўрсатилган ҳар бир малаканинг умумий даражасини тавсифлайди. Сўровнома респондентнинг у ёки бу шахсий ва касбий хислатлари намоён бўлиши тезлигини қўйидаги шкала бўйича баҳолашни назарда тутади:

- | | |
|----------------------------------|---|
| ■ 1 - маълумотга эга эмасман; | ■ 4- ҳолатларнинг ярмида намоён бўлади; |
| ■ 2 - ҳар доим намоён бўлади; | ■ 5- камдан кам намоён бўлади; |
| ■ 3- кўп ҳолларда намоён бўлади; | ■ 6 – ҳеч қачон намоён бўлмайди. |

Агар респондент ёки унинг ҳамкаси жавоб беришга қийналса, бу савол умумий баҳолашдан чиқариб ташланади.

Тадқиқот унинг тўртта мақсадли ташкилоти бўйича 70 анафар сосий ходим билан сұхбатлар асосида ўтказилди:

- ДХА марказий аппарати (10 киши)
- ДХА ҳудудий бошқармалари (20 киши)
- Тажриба туманлари ДХМ (20 киши)
- Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг марказий аппарати и территориальные управления пилотных регионов (10 киши)
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг марказий аппарати ва тажриба ўтказилган минтақалар ҳудудий бошқармалари (10 киши)

Жумладан, танланган методология тескари шкалалаш усулини қўллайди, энг паст баллар сони респондентнинг у ёки бу малакалари энг яхши даражада ривожланганлигига мос келади

№18 БЭК-ОФИСЛАР ХОДИМЛАРИ СҮРОВИ (РУСЧА ВЕРСИЯ)

ОПРОС сотрудников бэк-офисов

1. Укажите, пожалуйста, название организации, в которой Вы работаете: _____

2. Укажите, пожалуйста, Вашу должность: _____

3. Как долго Вы работаете в данной организации? _____ лет _____ месяцев

4. Ваш пол:

- Мужской
- Женский

5. Уровень образования:

- Среднее
- Среднее специальное
- Незаконченное высшее
- Бакалавр
- Магистр
- Другое_____

6. Год рождения: _____

7. Ваше место жительства (город, поселок, село): _____

8. Какие услуги предоставляет Ваша организация?

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

9. В среднем сколько заявок в день поступают в Вашу организацию через ЦГУ?

- Менее 5
- 5-10
- 10-20
- Более 20

10. В среднем сколько раз Вы связываетесь с ЦГУ для предоставления одной услуги по запросу оператора ЦГУ?

- 1 раз
- 2-3 раза
- 4-5 раза
- Больше

11. В процессе работы с ЦГУ, с какими из следующих негативных ситуаций Вы столкнулись?

- Несвоевременная и/или неполная подача информации о запрашиваемых услугах от оператора ЦГУ
